Ажаб саодат эрур Қолса яхшилик била от

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

★ 25 сентябрь 1968 йил, чоршанба ★ № 225 (14.087). ◆ Баҳоси 3 тийин.

НАВОИЙ ДАҲОСИ

Бугун — халқимизнинг буюк ифтихори, ўзбек шеъриятининг даҳоси, бадиий тафаккурнинг забардаст ва оламшумул намоянда — Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги тантаналари бошланади. Бу шонли сана — маданият байрами қуёшли республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, бепоён социалистик Ватанимизнинг ҳамма ерида чинакам халқ сайилларига айланиб кетади. Бу табаррук ва нурлинни бутун ҳуррият парвар инсоният катта қувонч билан нишонлайди.

Бундан ярим минг йил олдин яшаб, ижод этган Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиёти олдидаги, тарихи ва маданияти олдидаги, умумбашар прогрессив маданияти олдидаги хизматлари беқиёс ва олижанобдир. У ўзининг ёрқин сиймосида, аql бовар қилмас ижодий фаолиятида бутун бир халқ гениясини акс эттириб, жаҳон маданияти хазинасини нодир дурдоналар билан безади, инсониятнинг бадиий тараққиётида янги бир давр яратди.

Улуғ шоир ва мутафаккир яратган тўрт жилддан иборат машҳур «Чор девон», форс тилида ижод этган нафис «Девони Фоний», Шарқ поэзиясининг классик анъанасига суяниб ёзган беш буюк достон — «Хамса», давр ва замоннинг муҳим масалаларини ёритувчи, инсон ақлининг камолини намойиш қилувчи ўнлаб бебаҳо асарлар чинакам жасорат намунаси, фавқулодда кучли заковатнинг кўринниши, абадийлик ва улуғлик рамзи бўлиб тарихга кирди ва мангуликка эришди.

Навоийнинг буюклиги ва абадийлиги шундаки, у ҳамиша халқ ғами билан яшади, халқнинг қалбини, дарду қувончини, эзгу орзуларини тараннум этди, унга яхшилик қилишни, камарбаста бўлиб хизмат этишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билди. У инсонийлик ва инсофни, меҳнат ва яхшиликни, одиллик ва ҳақиқатни, дўстлик ва муҳаббатни, аҳиллик ва ҳалоллиқни нозик ва дардли ғазалларда, ёрқин эпик асарларда тўлиб-тошиб куйлади, улуғлади. Навоийнинг бу олижаноб фикр ва туйғулари ҳар қандай маҳҳумликдан ҳоли ўлароқ, халқ қалбининг чинакам изҳори бўлганлиги учун ҳам замонлар нитиҳонидан қолибона ўтиб, барча асрлар ва насллар учун бирдай аҳамият касб этди.

Навоийнинг буюклиги ва абадийлиги шундаки, у она тилининг бой ва беҳад имкониятларини мукаммал ҳис этиб, бу тилда назмнинг шундай жавоҳирларини тизди, шундай гўзал шаллар ихтиро қилди, шундай юксак фикрлар ифода қилдики, ўзбек тили мана шу асосда, мана шу заминда шеърият осмонига кўтарилди, ўз миқёси ва балоғатини бутун тўлалиги билан намойиш қилди. Алишер ўзбек тилини буюк бир гулшанга ўхшатди. Бу гулшанда гуллар шу қадар кўп, шу қадар ранг-баранги, уни териб адо қилиб бўлмайди. Шоир ўзининг забардаст ижодиёти билан бу фикрни амалда исботлаб берди.

Навоийнинг буюклиги ва абадийлиги шундаки, у ўз асарларида даврнинг мураккаб, зиддиятли масалаларини қаламга олди. У зулм ва зўравонликни қоралади, адл ва инсофни улуғлади. У инфоқ ва риёни қоралади, дўстлик ва иноқликни улуғлади. У ҳақиқий инсоний муҳаббатнинг ҳомийси ва куйчисига айланди, эркинлик ва садоқатни ҳимоя қилди. Алишер Навоий буюк шахс ва шоир сифатида барча халқ ва миллатлар орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни ёқлаб чиқди. У ўзининг ўлмас «Фарҳод ва Ширин» асари қаҳрамонларини бир неча миллат фарзандларидан танлаб, уларнинг маслаздошлигини, биродарлигини кўрсатди. «Лайли ва Мажнун» асарида муҳаббатнинг, инсоний эркин севгининг ўлим устидан ғалабасини кўрсатди. «Сабъаи сайёр» асарини инсоний фазилатлар қомусига айлантирди, бу шоҳ асарнинг ноёб ҳиноятларида адолатнинг адоват устидан тантанасини намойиш қилди. Машҳур «Садди Искандарий»да халқ орзуларини ўринловчи озод замонни, порлоқ келажакни кўрди.

Навоий ғоят оғир ва мураккаб шароитда яшаб, ижод қилди. Феодаллар ва заминдорлар салтанати ҳукмронлик қилган, шаҳзодаларнинг ўзаро қирғинлик қурашлари авжига минган, бу зулмларнинг барчаси халқ бошига бало тўфони бўлиб ёпирилган, меҳнат аҳли турли жафолар, ҳисобсиз солиқ ва ситамлардан эзилган ўрта аср шароити эди ўша давр. Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро саройининг эътиборли кишиси ва давлат арбоби сифатида бу тенгсизлик ва жабрлардан ҳар лаҳза воқиф эди. Бироқ бу балолардан халқни буткул озод қилишга ожиз эканлигини ҳам яхши англар эди. Шунинг учун ҳам у, ўз ижтимоий фаолияти давомида қўлидан келганча халқнинг оғирини енгиллатишга, мушкулини мумкин қадар осон қилишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда шоир йўллар ва работлар, мадрасалар ва шифохоналар қурдирди, ариқлар қаздириб, боғлар барпо қилдирди. Қамбағал ва юпунларга, етим-есирларга оталик қилди. Халқнинг қайғуси билан яшади, унинг дардига дармон бўлишга ҳаракат қилди. Алишер Навоийнинг мана шу инсонпарварлиги ҳам унинг буюклиги ва абадийлигини таъминлади.

Алишер Навоий орзулари бизнинг замонамизда — Улуғ Ленин ва Октябрь инқилоби барқарор этган янги замонда тўла-тўкис ушалди. Шоир курашган, умрини, буюк талантини бағишлаган порлоқ идеаллар бизнинг давримизда амалга ошди. Чинакам тенглик, адолат, дўстлик, қардошликка асосланган, халқлар биродарлиги, бахту-саодатининг тимсоли Советлар Иттифоқи улуғ бобокалонимиз орзуларининг ҳаётий тантанаси бўлиб, дунёга ёғду сочмоқда. Алишер Навоийнинг муборак номи, ўлмас асарлари инсониятнинг буюк мутафаккирлари ва донишмандлари бўлмиш Фирдавсий, Низомий, Шота Руставели, Жомий, Шекспир, Пушкин, Шевченколар номи билан бир қаторда бугунги кунимизга, халқимизга, коммунизмга хизмат қилаётган экан, бу партия ва ҳукуматимизнинг халқларимиз маданий меросини ўрганишга нақадар улкан аҳамият бераётганини яққол кўрсатади. Навоий асарларининг миллионлаб нусхада Иттифоқимизда нашр этилаётганлиги, бу шоҳли меросининг совет халқи маънавий мулкига айланганлиги бунинг равшан далилидир. Навоий номида шаҳарлар барпо этилганлиги, бу ном билан боғлар ва кўчалар, колхозлар ва совхозлар, мактаблар ва дорилфунунлар аталаётганлиги халқларимизнинг улуғ шоирга бўлган чексиз ҳурматини кўрсатади.

Ниҳоятда маданий меросни ўрганиш бизнинг социалистик жамиятимиз ва унинг истиқболи учун бениҳоя аҳамиятга эгадир. Чунки улуғ Ленин айтганидек, пролетар маданияти аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан нарса эмас, пролетар маданияти бобида ўзларини мутахассис деб атовчи кишилар ўйлаб чиқарган нарса эмас. Бундай деб ўйлаш бутунлай беҳуда нарса. Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помещчиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққиёсидан иборат.

Улуғ Навоий «Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от» деб айтган эди. У шундай яхши от қолдирди. У абадий бўлиб, санъат осмонини ёритиб турaверади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 23 СЕССИЯСИГА

СССР Министрлар Совети Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXIII сессиясига юборилаётган СССР делегациясини қуйидагилардан иборат қилиб тасдиқлади: делегация бошлиғи — А. А. Громико, делегация аъзолари — Я. А. Малик, В. С. Семёнов, А. Ф. Добринин, Т. А. Тоирова; делегация аъзоларининг ўринбосарлари — А. Г. Ковалев, А. А. Рошчин, Л. И. Менделевич, А. В. Захаров, В. Л. Исраэлян ўртоқлар.

Украина ССР Министрлар Совети Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXIII сессиясига юборилаётган делегацияни қуйидагилардан иборат қилиб тайинлади: делегация бошлиғи — Д. З. Белоколос, делегация аъзолари М. Д. Поляничко, Ю. М. Мацейко, Н. А. Приходько, Н. Т. Кучер, делегация аъзоларининг ўринбосарлари А. А. Бойко, В. А. Кравец, П. Г. Осипенко, С. Я. Огородник ўртоқлар.

Белоруссия ССР Министрлар Совети Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXIII сессиясига юборилаётган делегацияни қуйидагилардан иборат қилиб тайинлади: делегация бошлиғи — А. Е. Гуринович, делегация аъзолари — Г. Г. Чернушченко, В. Г. Пономарев, Н. Г. Краснова, С. Т. Шардико, делегация аъзоларининг ўринбосарлари — Л. С. Сарвиро, А. А. Лужанин-Каратай, В. В. Греков, Э. И. Боршчевский ўртоқлар. (ТАСС).

МАЛИ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Тошкент электромеханика техникумининг мажлислар залига «СССР билан Мали Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин!» деган сўзлар ёзилган катта транспарант илиб қўйилган эди. Узбекистон пойтахти жамоатчилигининг бу ерда бўлган тантанали кечаси Мали Республикасининг мустақиллик кунига бағишланди.

Тошкентда таҳсил кўраётган Мали студентлари уюшмасининг раҳбари Куяте Мбуэ доклад қилиб, ўз мамлакатининг Совет Иттифоқи билан самимий дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисида гапирди. Дўст мамлакатлар халқларининг алокалари мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирди.

Биринчи ремонт-механика заводининг мастери А. Пудан, «Планета ёшлари» интернационал клубининг бош секретари Б. Мухамедов, электромеханика техникумининг студенти Ф. Шагадиева ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари миллий мустақиллик байрами муносабати билан қардош Мали халқи номига самимий қутловлар изҳор этдилар.

(ЎзТАГ).

Бугун бутун прогрессив инсоният буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг туғилганига 525 йил тўлишини тантанали нишонлайди.

КЎП ХАЛҚЛАР ЎЗЛАРИНИНГ УЛУҒ ШОИРЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИЛАР, ЛЕКИН УЛАРНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИГА ЯРИМ МИНГ ЙИЛУ ЧОРАК АСР ТЎЛГАНЛИГИ КАБИ САНАЛАР КАМДАН-КАМ УЧРАЙДИ. ИНСОН МЕҲНАТИ ВА МУҲАББАТИНИНГ КУЙЧИСИ ЎЗ ХАЛҚИ ВОЯГА ЕТКАЗГАН ДОНИШМАНДЛИКНИ АСРЛАРГА ВА МИНГ ЙИЛЛАРГА МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРДИ. «ОДАМИ ЭРСАНГ ДЕМАГИЛ ОДАМИ, ОНИКИМ ЙУҚ ХАЛҚ ҒАМИДИН ҒАМИ», — ДЕГАН ЭДИ НАВОИЙ. УНИНГ ЎГИТИГА ҚУЛОҚ СОЛАЙЛИК.

Михаил ШОЛОХОВ.

ФОЗИЛЛАР БУЮК ШОИР ҲАҚИДА

Навоийнинг энг муҳим асарларидан бири ўзбек тилида ёзилган «Ҳамса»дир. «Ҳамса»нинг маъноси «беш»дир, бу унинг бир китобининг номи бўлиб, у бешта достонни ўз ичига олади.

Навоий хамсачиликда ўзидан илгаригиларга — Низомий ва Хисровга шакл жиҳатидан, вазн ва баъзан достон номи жиҳатидан тақлид қилса ҳам, сюжет ва достонларнинг ижтимоий мазмуни жиҳатидан тамоман ўзгача асар эзди, яъни Навоий «Хамса»си Низомий ва Хисров «Хамса»ларининг таржима ёки тақлиди бўлмасдан, бутунлай янги, ижодий асардир.

...Алишер Навоий табиатан инсонпарвар эди, бунинг устига у етук тарбия кўриб, олим, мутафаккир, санъаткор, файласуф ва сиёсий арбоб бўлиб етишди. У давлат ва мамлакатда кўрган ва кўриб тургани вайроналикларга барҳам бериб, обод бир мамлакатни вужудга келтириш ҳамда адолат ҳукм сурадиган, илм, маориф, адабиёт ва санъат тараққий қиладиган кучли, марказлашган давлат бунёд қилишни истар эди...

Унинг олий мақсадлари ширин хаёл ёки туш каби бўлиб қолди.

Ленин олий мақсадларни баён қилиш ва ўз замонасининг аҳволини таҳлил қилишдан воз кечмади... Ўз мақсадларининг қачон бўлмасин амалга ошишидан умидини узмади ва шу мақсадларни достонларда ифода қилди...

Навоийнинг «Хамса»си ўз замонига нисбатан ниҳоятда юксак фикр, инсонпарварлик билан ёзилган бўлиб, биз Алишерни хусусан мана шундай ижоди учун яна ҳам кўпроқ ҳурмат қиламиз.

Навоийнинг «Хамса»си санъат ва ҳикояларнинг боғланиши жиҳатидан ҳам олий нуқтага кўтарилган бўлиб, ўз замонасининг нейинги танқидчилари томонидан жуда юксак баҳоланди.

Садриддин АЙНИЙ.

Тафаккурнинг бирор соҳаси йўқки, у янги фикр айтмаган бўлсин... Навоий эркин фикрнинг жонланишига таъсир кўрсатди... қонли қирғинлар оддий бир иш бўлган, ҳукмдорлар ҳеч сесканмай юз минглаб кишиларни қийноқларга маҳкум қилаётган чоқда у ҳақиқий гуманизм ғояларини баралла куйлади.

Е. Э. БЕРТЕЛЬС.

▽ ◆ ▽

Ўзбек ва ҳиндларнинг улуғ шоири, саркарда Заҳириддин Бобир Ҳиндистонга бора туриб, Ҳиротдаги эскигина кулбада бир неча кун тунаб қолди.

Бу кўпларни таажжублантирди, албатта.

— Шоҳим, Сиз учун ажратилган махсус қаср қолиб, ҳароб бу кулбада тунашингиз сабаби нимада? — деб сўраб қолди мулозимлардан бири.

Шунда Бобир:

— Бу кулбада бир неча йил муқаддам Мир Алишер Навоий истиқомат қилганлар, бу ер мен учун ҳарам... дай шоҳона қасрдан ҳам муқаддасдир. Шу сабабли б... неча кунлик вақтимни шу жойда ўтказишга жазм... дим, тоғи Ҳазрат руҳлари менга мададкор бўл... дея жавоб берган экан...

Мен ҳам буюк Алишерга бўлган ўз ҳурмати... ҳор қилиш учун, унинг қутлуғ номи билан ... ушбу илм даргоҳини бир, зиёрат қилиш учун ...

доктор Камар РАИС,
ҳинд адабиётшунос олими,
университетининг профессо...

(Тошкентдаги Алишер Навоий номли 40-мактабда бўлган учрашувда сўзлаган...

ШЕЪРИЯТ СУЛТОНИ

1469 йили Ҳирот ва Хуросон тарихида асрий аҳамиятга эга бўлган катта ва унутилмас ҳодиса юз берди. Узоқ давом этган дарбадарликдан Алишер Навоий Ҳиротга қайтди ва у ерда муқим яшаб қолди. Унинг Машҳад ва Самарқандаги таҳсил йиллари ортда эди: Хуросоннинг марҳум подшоҳи Султон Абу Саид Мирзонинг таъқиблари унинг ўзи билан бирга ерга кўмилди. Аммо навқирон ўспиринлик ва йигитлик йиллари ҳам орқада қолди.

Алишернинг отаси Ғиёсиддин дунёдан ўтган, онаси ҳам бу пайтда эҳтимол барҳаёт эмас эди. Чунки Қайснинг онаси қабри устида:

Сендин тунғ кун жудолиг этдим
Билмаслиғу бевафолиг этдим...
Ким бўлди бу бекасу фақиринг
Ҳажр ичра ятимнинг асиринг

деган сўзлари худди Навоийнинг узоқ йиллик фурқатдан сўнг онаси мотамида қилган фиғонларидек янграйди.

Турмушнинг барча аччиг-чучугини татиб кўрган, катта олимлар ва шоирлар суҳбатидан баҳраманд бўлиб ўз ижодини камолга етказган Алишер, Ҳиротга қайтганда 28 ёшда эди. Энди у етук фикрли, улуғсифат арбоб, халқу-халойиқ, аҳли назм қошида обрў ва эътирофга сазовор бўлган шоир эди.

1469 йили Ҳиротда тахтга ўлтирган ўз дўсти Ҳусайн Бойқоронинг ҳокимиятини мустаҳкамлашда Навоий анча ёрдам кўрсатди. У муҳрдор ва вазир лавозимларида хизмат қилиб, халқ учун ҳайрли ишларни амалга оширди, Ҳирот ва Хуросонни обод қилиш учун муҳим тадбирлар кўрди. Аммо Ҳиротнинг абадий шуҳрати бир томондан Жомий ва Навоий каби буюк мутафаккирларнинг бу ерда яшаб ижод этгани бўлса, иккинчи томондан Навоий тарбиясида етишиб чиққан кўпсонли илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлининг сербарака ижоди туфайли эди. Машҳур тарихчилар Хондамир ва Восифий, рассом Беҳзод, архитектор Қувамиддин ва бошқа кўп сонли ижодкорлар Навоий раҳнуҳида тарбия топдилар, Ҳирот шуҳратига шуҳрат қўшдилар.

Навоий давлат ишлари билан қанчалик банд бўлмасин у муттасил ижодий ишини давом эттирар, бениҳоя юксак асарлар яратар эди.

Ана шу шароитда Навоий «Хамса» асарини яратди. Шу ҳолатда «Хазоин-ул-маоний» шеърлар девонини тузди. Бу иккала асарнинг ўзигина 90 минг мисрадан ортиқ юксак бадиий даражада ёзилган мазмундор ва оҳангдор шеърлардан иборат. Навоийнинг ана «Лисон-ут-тайр» («Қушлар тили») фалсафий достони, «Маҳбуб-ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») таълимий ва маърифий асари, «Мажолис-ун-нафоис» («Нафислар йиғини»), «Мезон-ул-авзон» («Вазнлар тарозуси») каби адабиёт тарихи ва назариясига оид китоблари ва бошқа қимматбаҳо асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларнинг қўлёзма нусхалари жаҳон кутубхоналарида авайлаб сақланади.

Навоий ижодида бош ўрин тутган масала инсон ва халқ масаласидир. Табиатдаги барча гўзаллик ва қимматбаҳо мавжудот ичида энг юксак ва олий даражада турган вужуд инсондир. Бутун борлиқ, коинот эса илоҳийликнинг аксидан иборат. Демак бутун борлиқ, коинотни илоҳий деб билиш зарур. Илоҳий мавжудотнинг сарвари, тожи эса инсондир. Навоий пантеизмининг моҳияти шундан иборат. Демак Навоий ҳамиша инсонни улуғлади, унинг улуғлигини ташвиқ этди.

Навоий юксак инсоний сифат деб даставвал эл хизматини бажо келтириш, ҳамиша халқ учун ғамхўрлик қилиш, эл-юрт бахт-саодатини кўзлаб иш тутишни тушунар эди. Халқ орасидаги энг яхши киши ана шу мақсадни амалга оширувчи, умрини юрт, улус нафига хизмат қилишга бағишлаган киши эди:

Халқ аро яхшироқ дединг кимдур
Эшитиб шубҳа айла рафъ андин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпроқ улуса нафъ андин.

Дарҳақиқат Навоий ўз достонларида кўйлаган ижобий қаҳрамонлар Фарҳод, Ширин, Маҳинбону, Искандар, Навфал ва бошқалар ўз фаолиятларининг чин моҳиятини халққа, одамларга хизмат қилишда деб билмадиларми? Уларнинг ана шу йўлда амалга оширган ишларини Навоий қандай илҳом билан тараннум этди. Аммо шоирнинг халқ манфаатини кўзлашни унутиб, ишрат ботқоғига ботиб кетган Баҳромнинг фожиона тақдирини нақадар жасурона ростгўйлик билан тасвирлагани ҳар бир навоийхонга аён.

Навоий марказлашган феодал давлати барқарор бўлса, уни оқил ва одил подшоҳ бошқарса, халқ ҳаёти яхши бўлади, деб ишонар эди. Аммо бундай подшоҳ фақат инсофли ижод аҳлининг ҳаёлидагина мавжуд эканини унутар эди.

Адолатли подшоҳ, Навоийнинг фикрича фақат улус манфаатини кўзлаб иш тутувчи қўшинини ўзидан хурсанд қилувчи; олимлар, фозиллар билан яқин ва уларнинг маслаҳати билан ҳисоблашувчи, иғвогарларни қатиқ сиёсат билан босиб турувчи, дадил ва оқил киши бўлиши керак эди. Яна у

Керак кўнгли поку, кўзи доғи пок,
Керак оғзи поку сўзи доғи пок

инсон бўлиши шарт эди. Аммо феодал ҳукмронлар ўртасида шундай подшоҳ бўлиши мумкинмиди? Албатта йўқ.

Феодал воқелиги Навоий орзу этган шоҳлар ўрнига «Жаҳон мулкига аждаҳо бўлган, оғзидан ўтлар сочган» ҳукмронларни етказар эди. Улар тахту-тож талашиб мамлакатни қонга ботирар, подшоҳлар ойласида ота-болани, бола-отани таъқиб этар, ўлдиришга қасд қилар, ҳокимиятни эгаллаш учун ҳар қандай тубанликка тайёр эди.

Навоий золим подшоҳларни қаттиқ қоралади, уларнинг нолойиқ ишларини нафрат билан рад этди.

«Зулм боғида май ичиб гул сочган, майдан ҳардам гул очган» салотинининг қилмишларини қоралаб ёзган эди:

Сен чу бўлиб сарҳушу хилват ғарой,
Анда қилиб ҳарне тилаб нафсу рой.
Базмдаги қаррию, гар ҳуд йигит,
Майдин ўлиб ҳарбири бир телба ит.
Шайнда қоплондин агарчи фузун,
Нафс итининг илгида лекин забун.
Зулм ва бидъат, айш ва ишратга берилиб эл нафини унутган шоҳларга қарата Навоий:
Зулминг эрур кундузу, фисқинг неча
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?...
Саҳвинга де узр таваҳҳум била,
Зулмдин эт тавба тазаллум била!

деб хитоб қилишдан ҳам тоймаган эди.

Навоий зулмни қоралаб адлни улуғлар экан, у адолатли ҳукмронларнинг барча халққа баравар адл билан ҳукм ўтказишларини кўзда тутарди. Навоий учун фуқаро, халқ тушунчаси жуда кенг бўлган. У ҳеч қачон бир халқ, бир эътиқод, бир ирқни бошқаларидан фарқ қилмас, балки барча фазл ва инсоф, ҳунар ва санъат эгаларига, ботир жангчилар, мард ва оқил саркардаларга, улар қайси халққа мансуб бўлмасин, истисносиз, ижобий муносабатда бўлар эди.

У Доро ва Искандар қўшинларини таъриф этганда, ўзбек, мўғул, қалмоқ, чиний, мангит, барбар, араб, хоразмликлар, бартос, рус, фаранг ва бошқа халқларга мансуб жангчиларнинг ҳарбий ва шахсий сифатларини объективлик билан, бой бўёқларда тасвирлайди.

Навоий араб элида машҳур Қайс ва Лайлининг севгисини ўзбек тилида улуғлади, чиниик Фарҳод билан арман Ширининг муҳаббатини инсонларга ибрат қилиб кўрсатди. Демак шоир учун, инсон, олижаноб инсоний туйғулар муҳимдир, уларнинг миллий, диний, ирқий ёки бошқа белгилари муҳим эмас. Навоийнинг чинакам интернационалистлиги ана шундадир.

Навоийдек юксак даҳо эгасининг камол топишида машҳур тожик шоири ва мутафаккири Абдурраҳмон Жомий алоҳида ўрин тутади. Навоий Жомийни, Жомий Навоийни жуда қадрлар эдилар. Бу икки улуғ зотнинг ҳамфикрлиги, самимий дўстлиги, қадрдонлиги бутун авлодлар учун энг ибратомуз бир ҳодиса. Бу дўстлик ўзбек ва тожик халқлари тарихий дўстлигининг ажойиб бир тимсолидир.

Навоий Жомийга бағишлаб махсус «Ҳамсат ул-мутаҳайрин» асарини ёзди. Яна Навоийнинг энг яқин дўстлари Муҳаммад Паҳлавон ва Саид Ҳасан Ардашер эди. Навоий уларга бағишлаб махсус «Ҳолоти Муҳаммад Паҳлавон», «Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер» китобларини ёзган. Ана шундай дўстлар давраси қадрдонлар маҳфили нозик қалбли шоирнинг ижодига илҳом берар, унинг ҳассос фикрига шум даврининг етказаётган оғир зарба-жароҳатларига имкон борича малҳам тутар эди.

Навоий билан Ҳусайн Бойқоро муносабатлари серқирра ва мураккабдир. У алоҳида илмий тадқиқотни талаб қилади. Аммо бир фикрни қатъий айтиш керакки, агар Султон Ҳусайн эмас, Абу Саид Мирзо каби Навоийга бошчилик мавқеида турган ҳукмрон ҳокимият тепасида бўлганда, эҳтимол Навоий жисмонан йўқ этилган бўлар эди. Навоийнинг барҳаёт бўлиб, барча душманлари хуружидан омон топишида, Султон Ҳусайн Бойқоронинг ижобий роль ўйнагани шубҳасиздир. Айни замонда кучли марказлашган давлат тарафдори Навоий ўзининг бутун куч-қувватини Ҳусайн Бойқоро ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратди ва бу соҳада кўп иш қилди. Султон ҳам буни яхши билар эди.

Шоир ҳаёт пайтидаёқ катта обрў ва шуҳратга сазовор бўлган эди. Унинг асарлари халқнинг энг севиб ўқийдиган асарлари бўлиб қолган, девонлари, достонлари моҳир ҳаттотлар томонидан кўчирилган ва китобхонлар орасида кенг ёйилган эди. Шоир асарлари атроф элларда ҳам машҳур эди.

Навоий она ватани, ўз улуси, ўз тилини дилдан севар эди. У ўзининг ғоят баракали ижоди билан ўзбек адабий тилини камолот даражасига кўтарди, ўзбек адабиётини қимматбаҳо асарлар билан бойитди, унинг жаҳон адабиётига киритган ноёб дурдоналарини ташкил этувчи асарларини яратиб берди. Навоий асарлари ҳар бир асрда адабиёт аҳли учун ғоявийлик ва бадиият мактаби бўлди. Улуғ гуманизм, интернационализм, ватанпарварлик ғояларини тинмай ташвиқ этган бу ижодкор, юксак бадиий маҳорат устози эди. Унинг шеърларида образларнинг жонлилиги, бадиий тасвир воситаларининг ниҳоятда ўринли ва моҳирона қўлланилиши ҳамиша ибратли бир намуна бўлиб қолади. Навоийнинг бутун адабий меросида бадиий жиҳатдан суст бўлган бирор мисра шеър, ёки бирор жумла йўқ, десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам XV асрдан кейинги бутун ўзбек ижод мактаби Навоий таъсири остида шакилланди. Бобир, Нишотий, Машраб, Роҳим, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Аваз, Мукимий, Фурқат, Завқий ва бошқа бутун ўзбек адабиёти классиклари Навоийдан таълим олиб ижод қилдилар. Ўзбек совет адабиётининг мумтоз вакиллари Ҳамза Ҳакимзода, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, ўзбек ва тожик совет адабиётининг асосчиларидан бири Садриддин Айний Навоий ижодини мукаммал ўрганган адиблардан эдилар.

Навоий адабий мероси фақат Совет даврида чинакам халқ мулкига айланди. Ленинчи Коммунистлар партиясининг доно миллий сиёсати тантана қилгани туфайли барча адабий ва маданий мерос халқ қўлига топширилди. Ҳозир Навоий асарлари ўн минглаб нусхаларда ўзбек ва рус тилларида, мамлакатимиз халқлари тилларида, қайта-қайта босиб чиқарилмоқда. У барча жаҳон халқларининг энг севиб ўқийдиган асарларидандир.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 525 йиллиги мамлакатимиз халқларининг улкан маданий байрамига айланиб кетди. Навоий ижоди халқларимиз социалистик бирдамлиги ва биродарлигини мустаҳкамлаш ишида хизмат қилмоқда ва бундан буён ҳам шу муборак ишга хизмат қилади.

Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори.

ТАЪЗИМ

Мустай КАРИМ,
бошқирд адиби.

Мен ўзбеклар ўлкасига Бошқирдистондан қизғин салом олиб келдим. Ҳозир менинг ўлкамда куз шамоллари эсиб, ҳавода олтин мезон иплари учиб юрган, қушлар, турналар Жанубга йўл олган бир пайтда ҳамон баҳор жамоли барқ уриб турувчи, алвонранг гуллар хушбўй ҳид сочиб, қуёш қиздириб турган диёрга — Узбекистоннинг кўркам пойтахти Тошкентга келдим.

Қўлимда иккита гул — қизил ва оқ рангда жилваланади. Буни менга аэропортда жажжигина қизча тақдим этди.

Қўлимда иккита гул — оқ ва қизил. Агар таъбир жоиз бўлса, қизилчи севги ва вафо рамзи дердим. Оқ гул эса улуғ зот Навоийнинг қалбидай тоза, уни шу қалбнинг рамзи деб санардим. Муҳаббат ва ҳурмат рамзи бўлган шу гулларни мен бугун буюк даҳо хотирасига унинг қутлуғ қадами теккан ўзбек тупроғига қўяман.

ШОИР ХОТИРАСИ

23 сентябрда Озарбайжон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган илмий сессия атоқли ўзбек шоири Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига бағишланди. Республиканинг таниқли адабиётшунослари шу илмий сессияда доклад қилдилар ва ахборот бердилар.

Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Мамедориф Дадашзода Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини, адабий меросини анализ қилди. Профессор Ҳамид Орасли «Ўзбек халқининг гениал шоири ва мутафаккири», деган темада доклад қилди. «Навоий ва Фузулий» мавзуидаги ахборотларда кўпгина материаллар мисол қилиб келтирилди.

БУЮК АЛИШЕР

Николай ТИХОНОВ.

ҲИРОТ. Хушманзара, машҳур шаҳар. XV аср. Султон саройи. Атрофида сарой амалдорларининг ҳовли, чорбоқлари. Катта бозор. Расталарда узоқ ва яқин мамлакатлардан савдогарлар келтирган хилма-хил моллар териб қўйилган. Ҳиротда султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмрон.

Шаҳарнинг ҳамма жойида янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Касалхона ва мактаблар, олимлар уйи ва шоирлар саройи. Ажойиб кутубхоналар. Бу фан масканларида олим ва файласуфлар утмиш ва ўз замонлари ҳақида ўйлайдилар, келажак хусусида, дунёнинг тақдири ҳақида ҳаёл сурадилар. Бу ишларнинг ҳаммасига тадбиркор, ғайратли бир киши бош-кош бўлиб юрибди. У султоннинг вазири ва буюк муҳрдори. Шу кишининг югуриб-елиши туфайли минглаб меъморлар, ишчилар ажойиб кўприклар, работ ва карвонсаройлар қуришяпти. Уни ҳамма танийди, иззат-ҳурмат қилади, унинг эл орасида обрў-эътибори беқиёс баланд, билими ва истеъдодига ҳам ҳамма қойил қолган. Бу киши — Алишер Навоий.

У султон ҳузурида бўладиган кенгашларда қатнашиб, Ҳусайн Бойқарога катта хизматлар қилди. У уруш ва адоватларнинг душмани, оч-яланғоч камбағалларнинг паноҳкори. Халқ бошига тушган оғир солиқларни бир неча марта ўз ҳисобидан тўлаб, элни кулфатдан қутқарган вазир.

Алишер Навоий жафокаш халқ елкасига тушган кулфатларга шерик, қайғусига ҳамдард. У бу ҳолдан қутулишнинг нажот йўли доно, адолатли подшо деб тушунади. У шундай замонлар келишини, халқнинг чинакам падари паноҳкорини орзу қилади. Лекин бу фақат орзу эди, холос.

Иккинчи томондан қадрдон ўзбек тилининг ривожлачиши сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган биринчи даражали иш эканлигига унинг ишончи комил. Шу сабабли Алишер халққа тушунарли, содда, гўзал тилда халқ адабиётини яратишни ўзининг муқаддас бурчи деб билди. Бу ишга бутун ҳаётини бағишлади ва буюк ғалабага эришди.

Ўзбек тили мустақил, жуда бой эканлигини амалда кўрсатди. Бу тилнинг янги-янги қирраларини топди, чексиз имкониятларини очди. Ўзбек тили хазинасидаги сўзлар шу қадар кўп ва жилвагарки, бу тилда ҳеч қийналмасдан гўзал асарлар, шеърлар, қисса ва ҳикоялар битиш мумкин. Чиндан ҳам Навоий ажойиб достонлар ёзиб, бу фикрини амалда кўрсатди. У асарларида инсондаги олижаноб туйғулар — севги ва садоқат, дўстлик, юрт-а меҳр, ҳақгўйлик, очиқ кўнгиллиликни тараннум этди. У қаҳрамонлар характерини яратди. Ҳаётда халқ озодлиги учун курашаётган бундай саҳий, жасур, меҳрибон қаҳрамонлар ҳали йўқ эди. Лекин у келажакка назар ташлаган, келажакни ўйлаган эди. Замонларки ўтиб, ситам кишанлари чилпарчин бўлишига, зулмга асосланган тахт қулаб, адолат тантана қилишига у ишонган эди.

Шубҳасизки, саройдаги амалпарастлар Алишерни ёқтирмас эдилар. Унга қарши курашда султоннинг ўзидан фойдаланмоқчи бўлишди. Султон боғда айши-ишрат қилишни, ишқий шеърларни тинглашни яхши кўрарди. Навоий эса оддий кишиларни улуғларди, яхши кўрарди. Тўралар бундан таажжубландилар: қизиқ, чиройли қиз-жувонларни севиш, яхши кўриш мумкин, лекин халқни қандай яхши кўриш мумкин?! Яхши кўриш у ёқда турсин, бизнинг ширин турмушимизга хавф солиб турганлар ана шу авом халқку! Бас, Навоийни йўқотиш керак. У билан бирга озодликка интилиш, эркин фикр юритиш шарпалари ҳам йўқолади.

Алишерни сарой ва Ҳиротдан узоққа, Астрободга бадарға қилдилар. У рухсатсиз қайтиб келди. Саройдаги амалдорлар уни заҳарлашни, ўлдиришни таклиф этдилар. Лекин Алишер халқ орасида шундай катта обрў-эътибор қозонган эдики, уни очиқ-ойдин ўлдириб бўлмасди. Яна Астрободга қайтариб юборишди. Фақат Ҳусайн Бойқарога қарши уюштирилган фитна Алишер Навоийнинг ёрдамида фош этилгандан кейингина шоирга Ҳиротга қайтиб келишга ижозат беришди.

Сарой фисқу-фасодларидан узоқда яшаётган шоир, ҳокимият инқирозга юз тутаётганини кўриб турди. Майхўрлик, айш-ишратдан боши чиқмай қолган султон гуноҳсизларнинг қонини тўктиради, ҳеч кимга ишонмай, ҳатто ўз ўғли Бадиуззамон билан низолашиб қолади.

Султон ўз тахтининг исёнкор меросхўри билан ярашиб, сафардан қайтиб келаётганда Навоий сарой амалдорлари билан бирга уни шаҳар дарбозасида кутиб олиши керак эди. Шоир бетоб эди. Бу учрашувдан кейин эса унинг аҳволи яна оғирлашди. 1501 йилнинг 3-январида оламдан кўз юмди.

Ҳусайн Бойқаронинг ишлари замонлар пиллапоясида қолиб у тушиб кетди. Фақат ўша даврларни ўрганаётган тарихчиларгина уни биладилар. Бутун-бутун шаҳар ва мамлакатларни вайрон қилиб, бутун-бутун халқ ва қабилаларни қул қилган даҳшатли жаҳонгирларнинг номлари ҳам изсиз йўқолди. Алишер Навоийнинг буюк номи эса асрлар оша ўша улуғворлигича турибди. Халқ ўзининг буюк ишлари билан инсониятни улуғлаган азиз улуғвор фарзандларининг номинигина замонлар оша ана шундай ҳурмат-эҳтиром билан абадий саклайди.

Алишер Навоийнинг шеърият бобидаги жасорати авлодларга мерос бўлиб қолди. Бугун биз унинг бебаҳо шеърий меросини яхшит, жамулжам ҳолда кўриб, ўзимизни бахтли сезамиз. Мана, унинг беш достони — «Хамса» олдимизда турибди. Шеърлар тўплами — «Хазойинул маоний» шеърият шайдолари учун очиқ. Унинг ҳамма илмий тадқиқотлари, фалсафий риолалаои, тил тўғрисидаги асарлари меросхўрлари томонидан ўрганилмоқда, севиб ўқилмоқда. Унинг ҳамма шеърлари шеърхонини, ҳамма илмий асарлари тадқиқодчисини топди.

Фақат Совет Иттифоқидагина эмас, жаҳондаги жуда кўп халқларнинг таржимон шоирлари ҳам унинг асарларини кўп тилларга таржима қилдилар. Алишер Навоийнинг ўн жилдли асарларининг рус тилида чоп этилаётганлиги эса буюк инсонпарварнинг тўйига энг яхши совғадир. Бу нашр кенг китобхонлар оммасига, жаҳондаги адабиёт ихлосмандларига ажойиб сўз санъаткорининг серқирра ижоди билан танишиш имконини беради. Бу тўпламларга шоирнинг бешта достони, бешта шеърлар девони, фалсафий-дидактик риолалари, адабиётшунослик, тилшунослик ва тарихга оид кўп асарлари киради. Китобхонлар учун бу асарлар катта билим хазинаси, илҳом манбаи бўлиб қолади.

Алишер Навоий халқ шоири эди. У шу қадар камтар эдики, ўзининг кўп шеърларини мукаммал эмас, деб унга «Фоний» — ўткинчи тахаллусини қўйган. Бу шеърларим эътиборга лойиқ эмас, ўткинчидир, демоқчи бўлган. Шеърият бобида камолотга етиб, сўз санъаткори даражасига кўтарилгандан кейин «Навоий» тахаллусини қўйбошлади.

Ҳозир у беқиёс шуҳрат қозонди. Узбекистонда болаликдан унинг асарларини ўқишабошлашади. Унинг сиймоси, у яратган достонлардаги қаҳрамонлар жуда кўп адабий ва санъат асарларига мавзу бўлмоқда. Навоий номли театрда унинг асарлари саҳналаштирилиб, намойиш қилинмоқда. Узбекистон пойтахтидаги энг катта кўча унинг номига қўйилган. Шаҳарларда ҳайкаллари қўйилмоқда. Республикада яқинда бунёд этилган янги шаҳарга Навоий номи берилди. Ўқув юртларида студентлар ва олимлар шоирнинг ижодини ўрганадилар. Унинг шуҳрати жуда кўп мамлакатларга ёйилди.

Буюк Гёте унинг номини миннатдорчилик билан айтган пайтда Алишер номини жаҳондаги жуда оз кишилар билишган бўлса, ҳозир миллионлаб китобхонлар қўлида унинг асарлари бор. Шоирни муборакбод этгали жаҳоннинг ҳамма қитъаларидан шоир ва ёзувчилар Тошкентга келдилар. Чунки Навоий механткашчиларнинг, жасоратни, адолатни, озодликни, халқлар дўстлигини куйлаган. Унинг катта тўйи тинчлик ва меҳнат пойтахти, бир юзу беш миллат фарзандлари ахил бўлиб яшаётган ажойиб шаҳар Тошкентда ўтказилаётганидан эса қалблар қувончга тўлади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Узбекистон қиёфасини бутун ўзгартириб юборди. У илғор, индустриашган, маорифи, фан ва маданияти гуллаб-яшнаётган республикага айланди. Шаҳарлари маданият учоғига айланган, қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялаштирилган.

Алишер Навоий неча асрлар аввал қадрдон халқининг ана шундай кунларга етишишини орзу қилган эди. Шундай кун келди. Халқнинг севимли шоири, донишманд ва халқпарвар Алишер ҳам шеърият ва ҳақиқат байрамига иштирок этиш учун асрлар оша бугун Узбекистон пойтахтига келди. У ҳамма қардош республикаларни кезади, сўнг халқлар дўстлиги ва тинчлик пойтахти улуғ Москвага боради.

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.
Одам ўлгон зеби зоҳирдан демас,
Кимки ондин фахр этар одам эмас.

Алишер НАВОИЙ.

Ғазаллар

Жонда жонпарвар сўзидурму лаби хандониму?
Руҳум ороми дейинму они жоним жониму?
Кўнглум ичра нешларким, санчилибдур англамон,
Ништари мужгонидурму новаки пайкониму?
Эй кўнгул, олам бузарда қай бири ортуғ эким:
Нуҳ тўфониму ашким сайлининг туғёниму?
Жон олурда қайсининг саъб эрконин шарҳ айлайин,
Ишқининг бедодиму, ё шиддати ҳижрониму?
Неси ул гулнинг эрам гулзоридин ортуғ эмас,
Жилва айлар сарвму, ё ғунчаи хандониму?
Эйни, бердинг даҳр шўхиға кўнгул катлинг учун,
Ишваи пайдосиму, йўқ офати пинҳониму?
Қатл қилдилар Навоийни ва лекин, билмадим,
Кўнглин олдурмоқму эрди, ё кўнгул олғониму?

◆

Ул пари қуйида мен девонани банд айлангиз,
Банд бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.
Халқ тарки ишқ айларга мени дил хастани,
Ултириб олам элига мўъжизи панд айлангиз.
Телба кўнглим топсангиз, эй ёр кўйи итлари,
Туш-тушидан тишлабон парканд-парканд айлангиз.
Бодаи ишқ асру маст этмиш мени эй дўстлар,
Жсмима афюн эзиб бир дам хирадманд айлангиз,
Йигласам аччиг малъул ўлмоқ недур, эй хўблар,
Хазл учун гоҳи боқиб сиз ҳам шакарханд айлангиз.
Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,
Кўнглунгуз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз.
Қилсангиз тасвир Лайли ҳусини ул ойдек сизинг,
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд, айлангиз.

◆

Баҳор андоқки булбул гулузори тоза истармен,
Ки ул гулбонг ила ўзни баланд овоза истармен.
Чу ул гул тоза-тоза ўт солур кўнглум аро, мен ҳам
Ул ўтдин кўкрагим доғини тоза-тоза истармен,
Чу йўқ андоза ишким бирла шавқимга, ул ойни ҳам
Жамолу меҳр оинида беандоза истармен.
Эритсам гар кўнгул чоки учун пайконларинг,
тонг йўқ,
Темурдин чун ҳисори дард учун дарвоза истармен.
Узори шавқи тийгидин ўлуб қонлиг кафан бирла,
Анинг ҳар торидин хуро юзига ғоза истармен.
Фироқинг ичра розимен фалак жисмим ўйин йиқса,
Хилофи одат уй вайрон қилурга роза истармен.
Навоий назмининг авроқи зулфингдин паришондур,
Анинг жилдига сунбул торидин шероза истармен.

ТЎЁНА

Шеъриятимизнинг отахони Алишер Навоийнинг 525 йиллик тўйига ҳар бир ташкилот ўз муносиб тўҳфаси, туҳфаси билан келишни шарафли иш деб билади.

Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти ҳам буюк шоримизнинг тўйига ўз муносиб совғаларини тайёрлади. Ўзбек адабиётининг узоқ йиллик тарихи давомида биринчи марта Алишер Навоийнинг ўн беш томлик асарлари нашр қилинди. Бу улкан нашр республикамиз олимларининг узоқ йиллар олиб борган илмий текшириш ишларининг, нашриётимиз коллективи меҳнатининг ажойиб самарасидир.

Биз Навоий асарларидан танлаб олинган икки ғоят мўъжаз китобча ҳам тайёрладик. Бу китобчаларга шоирнинг гўзал рубоий ва қитъалари, жавоҳирлар хазинаси — ҳикматлари киритилди.

Нашриётимиз буюк шоримизнинг асарларини рус тилига таржима қилдириш, рус тилида нашр этиш учун ҳам қизғин иш олиб бормоқда. Алишер Навоийнинг танланган асарлари Иттифоқимиз китобхонлари учун муносиб совға бўлди. Бундан ташқари Навоий ғазаллари йирик рус шоирлари томонидан таржима қилинмоқда. Бу китоб тез орада нашр этилади.

Навоийнинг муносиб ворриси улкан адибимиз Ойбекнинг нозик нафосат билан ёзилган мақолалари «Навоий гулшани» номи билан жамлаб, нашр этилди.

Филология фанлари доктори, профессор Иззат Султон «Навоийнинг қалб дафтари» деб аталмиш йирик монографиясини нашриётимизга тақдим қилди. Бу монография Навоий ҳаёти, ижодини XV аср муҳитини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга Алишер Навоийнинг Самарқанд даври ҳаёти академик В. Абдуллаевнинг «Навоий Самарқандда» номли асарида кенг ёритилган.

Филология фанлари доктори Ҳ. Зариф Навоий ва унинг замондошлари ҳақида ёзган илмий мақолаларини «Фозиллар фазилати» китобига жам қилди.

Нашриётимиз А. Ҳайитметовнинг «Навоий даҳоси», Олим Шарафуддиновнинг «Алишер Навоий» монографияси Суйима Ғаниеванинг «Навоий насри», Т. Жалоловнинг «Хамса талқиллари» сингари ҳар жиҳатдан диққатга сазовор асарларини жамоатчиликка тақдим этди.

Биз шоирнинг юбилейи муносабати билан Ўзбекистон санъаткорлари томонидан яратилган бир қатор портрет-плакатлар ва рангдор открткалар чиқардик.

Нашриётимиз яқин йиллар ичида «Навоий асарларига луғат» китобини, «Девони Фоний»нинг ўзбекча шеъриий таржимасини, олим ва ёзувчиларимизнинг Навоий ҳақидаги асарларини китобхонлар эътиборига ҳавола қилади.

Т. РУСТАМОВ,
Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти директори.

ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИНИ ЎҚИБ...

Одам ўлгон, зеби-зоҳирдан демас,
Кимки ондин фахр этар одам эмас.

...Ёруғ кунда шамъий кофурий ёққонни
ақлдан бегона дерлар.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма, ким дер они, кўргил ким не дер.

Ҳунарни асрабон неткумдур охир?!
Олиб туфроқаму кетгумдур охир?

Сўралдиким, не нима дурким фойдаси барча
Ҳалойиқка етар, дедиларким: ёмонларнинг йўқлиги.

Нафс комига изтироб этма,
Ўзничи «Ўлгин» хароб этма.

А. Колиқов чизган расмлар.

АДИБ ЮБИЛЕЙИГА

А. Навоий номли академик [illegible] ва балет катта театри ходим[illegible] улуғ шоир туғилган кунининг 525 йиллигига атаб унинг [illegible] сайёр» поэмаси асосида иш[illegible] Ҳусайн ва Меҳри» балетини [illegible] диққатига ҳавола қил[illegible]ан иборат бўлган бу ба[illegible]чи қисми «Оқ сарой» [illegible] «Қорасарой», учинчи [illegible]н» деб аталади. «Су[illegible]» балетини Зулайҳо [illegible]лаштирган. Балетнинг [illegible]шида Узбекистон ССР [illegible]ижёр Баҳром Иноя[illegible] катта бўлди.

Миллий халқ рақсларига Узбекистон ССР халқ артисти Исохар Оқилов раҳбарлик қилган.

Кўркам қилиб, турли хилда товланиб турган саҳна безаклари муаллифи Узбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти лауреати Мелс Мусаевдир.

Томошабинлар диққатига сазовор бўлган бу балетда бош роль — Сулайлни Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист В. Васильев ва Меҳри ролини Узбекистон ССР халқ артисти, Б. Қориева маҳорат билан ижро этишган.

Ю. ЗИЕВ.

ОЙБЕК

525 Гули ва Навоий

Кичиклигидан Навоий шеъриятига яхши ошна, мафтун, муҳаббати зўр бўлган Ойбек 1934—1935 йилларидан бошлаб Навоийнинг ҳаёти, ижодиёти, фалсафий дунёқарашлари устида теран илмий тадқиқот бошлаган эди. Бунинг натижасида Ойбек 1936 йилда «Навоийнинг таржиман ҳоли ва ижодий фаолияти» номли монографиясини ёзиб тугатди, кейин Навоий ҳақида достон, роман яратишга ва бир қатор мақолалар ёзишга киришган эди.

1968 йилнинг март ойида Ойбек хаёли яна беш асрлик вақт чангини тозалаб, тарих йўлларини кезди, бир халқ афсонаси асосида «Гули ва Навоий» достонини яратди.

Ойбек бу достони Навоий ҳазратларининг 525 йиллик юбилейига бағишлаган эди.

Зарифа САИДНОСИРОВА,
кимё фанлари доктори, адибнинг умр йўлдоши.

АСРЛАРНИНГ сўкиб чокини,
Кўзларимга суриб хокини,
Тарихларни бир-бир титурман,
Афсоналар топиб битурман.
Афсонанинг кўпдир қуруғи,
Ҳақиқатнинг баъзан уруғи
Уюм-уюм тош ичра гўё.
Бир гавҳардай беради зиё.
Мана, шундоқ битта афсона,
Афсоналар ичра дурдона.
Хаёлларим тинимсиз, қуюн,
Тентирайман, ором йўқ бутун,
Сомон йўли — Навоийдан из,
Сиймосидир йўлимда юлдуз.
Шоир камтар ва инсоний, мард,
Яшайдирман бирга чекиб дард.
Узи ёш-ку, довруғи баланд,
Ёқин қалби бегубор начанд.
Кўзларида меҳр жилваси,
Жозибали, ёқимли саси.
Йигит кези — қоматі ниҳол,
Шеъри каби кўнгли ҳам зилол.
Хўб ярашган қопқора мийиқ,
Белидадир шоҳидан қийиқ.
Сарой қизлар ичра дард зори,
Ҳар кўрган қиз дер: «Бўлсам ёри...»
— «Кўзларининг маъносига боқ!»
— «Вазир ҳазрат эмишлар бўйдоқ...»
Вазир шоир тўла ғайратга,
Нафрати зўр айшу ишратга.
Зулмат ичра кўтариб машъал,
Инонурди — энар бахт, амал.
Ҳақсизликдан эшитса нола,
Ғарибларга меҳри шалола.
Нафратига дуч келса ёв гар,
Қаҳри ўткур қиличдай кесар.
Дилхастага сўхбат мулойим,
Чеҳрасида жилмайиш доим.
Ғайрат жўшар, нақ йигит ёши,
Сўнмас бир дам дилда қуёши.
Уйлар — қанча олтин тежалар,
Янги орзу, янги режалар,
Янги ариқ ва шифохона,
Илму ирфон учун кошона.
Иш кўп, дард кўп, кўнглида кўп шавқ,
Улус «иши келтиради завқ.
Қанча йўқсул, қадлари букуқ,
Ғарибликда орзулар ўксук,
Юрт ғамида шоир ўртанур,
Қалби ёнур, гўё бир танур.
Ҳардам дилга қуюлур андуҳ,
Кўчиролмас уни узун уҳ.
Тўлдирсада қалбни ғазаб, дўқ,
Халқни асло ташлагуси йўқ.
Хуросонда бир одил шоҳни
Кўрса улус, ювиб ғам-оҳни,
Кўтарилса тез жабру — жафо,
Булутсиз кўк янглиғ мусаффо.
Еш қалбида кўп орзу, ғайрат;
Ожизликка у қилур нафрат.
Бойқаронинг саройида ой,
Оймас, қуёш бўлиб олди жой.
Табассуми, чеҳраси илиқ,
Фикри чақмоқ, мантиқи пишиқ.
Нутқи, ақли гўзал ёш вазир,
Ожиз эрур ҳар нечук тасвир.
Шоирнинг ҳар қадамин чиндан,
Хонзодалар кузатур зимдан.
—«Алишербек мунча беназир,
Дер бегимлар, — Бу офат вазир...»
Келтиради тунларн ором.
Шеър тўғнин очганда илҳом;
Тошқинида шоир қолур маст,
Ёзар, ёзар — улуғ шеърпараст.
Ғазалларки, сингган дилларга,
Кўчар такрор-такрор тилларга,
Қизлар куйлар, ёниб лоладек,
Ғазаллардир нақ шалоладек.
Кампирларнинг ажинларидан
Думалайди томчилар дурдан..
Тилдан-тилга ўтган ғазалдан
Ёруғланур диллар азалдан.
Ҳазрат вазир — кўнгилларда шам,
Ғариблардан кўчармикан ғам!!
КЕНГ хонада мармарлар узра
Тўшалибди гиламлар сидра.
Гиламларнинг муъжиз нақшида
Шуъпаларнинг рақси авжида.
Кўзни олур товланган ранглар,
Юраклардан эрийди зангларр .
Майинлиги бу гиламларнинг,
Оёқларин ўпар юмларнинг!!
Қайси диллар туйғусин солган!
Қандай қўллар тўқиган, топган!!
Шамшод, мармар панжаралардан
Оша ҳовли, манзаралардан
Қамашади кўзлар жавҳари,
Энмиш қуёш — осмон гавҳари.
Мевазорлар гулда — чечакда,
Тол, чинорлар тўғал куртакда.
Баҳорнинг бу нафис лавҳаси —
Шоирларнинг жон сарлавҳаси...
МАНА тахтда Ҳусайн Бойқора,
Ўтирур жим, фикрида долга
Панжарадан жаранглар ширин
Қуш _шиғи — баҳорнинг сирин
Тиғлар Ҳусайн қушлар тилида,
Шоир сирни ечар дилида.
Ўрта бўйли, елкалари кенг,
Билак кучи шер кучига тенг.
Совут кийиб қурганда майдон,.
От устида, титратар жаҳон.
Кичкинадан ўйини қилич,
Ўқ узишда мергану билгич.
Жанг сабоғи, машқидан ҳорса,
Ором олур ғазаллар ёзса.
Лекин ёлғиз орзу эди тахт,
Мана гўё Ҳусайн топди бахт.
Ўткур қора кўзларида меҳр,
Лозим бўлса ёнади қаҳр.
Салланинг минг турланган ранги
Қўндирилмиш гавҳариданми?!
Орзуларнинг янги қуюни
Банд этурди султон ўйини:
Тутса улуғ бобо қўлидан,
Яъни, борса унинг йўлидан.
Кучайтириб давлат қудратин,
Қалтиратса ернинг кўкрагин.
Мана тахтда Ҳусайн Бойқора.
Ўтирур жим, фикрида долга.
Учрашурлар ҳар кун шоҳ, вазир,
Мана Ҳусайн унга мунтазир.
— «Алишербек, сиз кўп бешафқат,
Шоирга бу ярашмас хислат!»
Деб шоҳ турди истиқболига,
Шер эгилди ҳазрат олийга.
Саройликлар қоидапараст,
Шоир адо этур бешикаст.
— «Алишербек, сарой бекларн
Соҳиб ақл бўлса сиз каби,
Уйқуни ҳеч қувмас вахим, ғам,
Кўнглимиз тинч бўлурди ҳардам.
Нз қилгайки, бўрилар бисёр,
Шу сабабки орзуларим хор...»
— «Подшоҳим, фикрингизга тўғри,
Ҳушёр бўлинг, кўп беклар бўри.
Деҳқонлардир меҳнат эгаси,
Беклар, бойлар унинг канаси.
Подшоҳим бўлсинлар одил,
Соянгизда мунаввар ҳар дил.
Ҳинд юрти-ла бошланг тижорат,
Улуғ элдир. Бернинг ижозат,
Юборайлик элчилар — доно,
Карвонларга юклангиз савго.
Эллар аро тижорат, дўстлик
Қилинг барпо, бу — ишдир йирик.
Чин-мочин бор, нозик санъати:
Айни борди-келди фурсати.
Араб оти-энг сулув отдур,
Жаҳон аро хўб аъло зотдур.
Қилинг савдо, эл топур равнақ,
Бундоқ тадбир, шоҳим, ҳаддан —ҳақ.
Уқинг китоб, китоб — хазина,
Нурга тўлур китобдан сийна.
Уқинг ҳикмат, жилд-жилд фалсафа,
Бахш этур фан кўнгилга нашъа.
Шоҳ юзига ёйилур кулгу:
— «Мантиқи зўр, яхши кенгаш бу!
Лекин, шоир, унутманг, қилич —
Кўп ишларда ҳал қилувчи куч...
Алишербек, не тадбир, не ўй!
Сотибсизмиш Ҳисорий юз қўй.
Қаршн бозорида, насияга,
Фараз қилсам, ўхшар, ҳадяга!..
Вафотимдан сўнг тўлашурмиш
Харидорлар, ёҳу, нечук иш!»
— «Олий ҳазрат, бу сўзлар ростдур,
Қилмишимга бир сир боксдур:
Харидорлар ёлворур дойим,
Уғонидан тилаб, подшоҳим,
Сизга беҳад кўп узоқ умур,
Ниятим шу!» — Шер кулур махмур.
Ҳусайн кулур, қаҳ-қаҳа узоқ,
Гар эсига тушаркан ҳарчоқ.
Севар эди шоҳ афсонани,
Такрорлашни бу ҳангомани.
Кўрпачанинг тагидан мағрур
Бир варақни аста суғурур:
— «Ҳукмингизга бўлсин ҳавола,
Назмдан машқ — кўнгилдан нола...»
Қуллуқ ила олур Навоий,
Шилдирайди қоғоз нақ шойи.
Такрор-такрор ўқур ғазалин,
Таърифламиш ишқни, гўзални.
Шоир хушҳол, чеҳрасида нур,
Икки қўллаб шоҳга узатур:
— «Шеър бобида ўзингиз ҳоқон,
Истардикки, мулки Хуросон
Бўйлаб улуғ Темур сингари
Қулоч ёзса Бойқора даври».
Енгилланган мамнун ҳукмдор
Яширолмас сирин — хўрсинар:
— «Дўстим, бу ҳам бир ишқ эртаги,
Мен фақирнинг кўнгул армаги...»
Рангдор қоғоз тахланур шу он,
Болишнга қистирур султон.
— «Давлат иши шоҳимда бисёр
Уғирласа вақтингиз ашъор,
Гуноҳ бўлмас, ҳазрати олий!»
Деди кулиб мамнун Навоий.
Икки шоир — подшоҳу вазир,
Иковн ҳам бирдек севар шеър,
Шеър битишар, сирлашардилар,
Шеър ила тиллашардилар;
Шеъриятнинг йиғиб мухлисин,
Қурадилар ашъор мажлисин.
Шўх базмлар бошланиб қолса,
Рубоб, танбур садолар солса,
Раққосалар сехри, санъати
Баҳор ёғр — кўнгул улфати.
Еш соқийлар тинмасдан чопар,
Қадаҳларки тошиб, нур чақнар.
Май кўпирган қадаҳлар тутар,
Шоир кулиб томчилар ютар.
— «Оҳ, бешафқат! — дер ёниб тоҳдор, —
Сиз ашъорда, биз майда — илғор!..»
Жўшқун базм авжига ошар,
Шўх қийқириқ саройдан тошар;
Тарқалурлар беклар маст майдан,
Алишер маст рубобдан, найдан.
Ўн саккизга энди кирган қиз,
Ишқ кўкида туғилган юлдуз.
Бўй десангиз — бир гули ниҳол,
Дилни ўртар ёнақдаги хол.
Табассумга очилган дудоқ,
Бўса сирни ўқур ҳар бўйдоқ...
Тиниқ оқ юз, ёқин пешона,
Кўрган қолур, оҳ, ёна-ёна.
Қошларида иккн нозик ёй,
Эҳсон этмиш аксин янги ой.
Елкасига тўкилган ипак
Соч мавжидан ёнади юрак.
Кўкрак кўрки — тўлқини, мавжи
Камолотда гўзалик авжи..
Оқ булутдай ювган рўмолин
Ёғр экан, тенгсиз жамолин —
Кўрган ким деб қиз юз ўгирар.
Сехр банди йиғитни кўрар.
Бир табассум учди Гулидан —
Сирли туйғу қизнинг дилидан.
Гул узолмас кўзни шу палла,
Пешонада чақнаган салла...
Достонларда дойим ўқиган,
Рўёларда хаёл тўқиган
Алишер ўз севгилисини
Топди Ширин ва Лайлисини.
Тонг нафаси қанотларида
Жўш урган нур гирдобларида,
Тотли нашъа келтирган илҳом
Парисини изларди мудом.
Оқ булутдай оққан нур гўё,
Соф ҳислардан тўқилган рўё.
Кўрар ҳозир ўша рўёсин,
Тиғлар шоир кўнгил садосин:
— «Ёраб, будир мен излаган ёр!..»
Жилов тортар у бенхтиёр,
Қалт тўхтайди, отидир сергак;
— «Оқтармишим шу ўзи бешак!
Рўёларда кўрганим шу қиз,
Осмонимга туғилди юлдуз...»
Бир табассум, бир ниғоҳ, ёҳу,
Қалбларини боғлади мангу.
Бир онда йўқ бўлди пари қиз,
Том, нарвон бўш, қолмаганди из.
Тотли рўё оғушида Шер
Борур дилда қуюлурди шеър.
Туйғулари яқиқроқ, жўшқун,
Шоир борур, хаёлда тўлқун.
Кўчаларни кезди у беҳуш,
Дерди: «Ёраб, ўнгумми, ё туш!»
Оташ тушиб йиғит ишқига,
Қайтар дарҳол қиз эшигига,
Отдан тушди, урди халқага,
Сабр йўқди бир дақиқага.
Уй эгаси Солиҳ боғбон чол,
Кўриб султон вазирин у лол,
Ҳайратидан тош қотди бир зум.
Тавозе ва салом, табассум
Ила шоир узотканди қўл,
Чол букилди ва бошлади йўл
Жилов тутиб, боғ-сув бўйига,
Сув бўйида қўноқ ўйига.
Дуода қўл юзга суришкач,
Ундан-бундан дам сўз сўришкач.
Бир дақиқа шоир қолди жим,
Кейин деди уялиб халим:
— «Кўнглингизга қилғайсиз қабул,
Куявликка кўргайсиз мақбул».
— «Жоним билан, ҳазрати вазир,
Сизга қизим наҳотки арзир!
Аммо ундан сўрай бир оғиз,
Уйим, дилим гули у ёлғиз...»
Ичкарига югурди боғбон,
Қизга бир-бир айлади баён.
Доно Гули деди: «Отажон,
Ҳазрат вазир билсинлар шу он:
Қабул қилса гўёки каниз,
Розидурман қуллуққа ҳар гез...»
Солиҳ боғбон чикди мамнун,
шод,
Борми чолда ўзга бир мурод!!
—Бағишладим сизга, эй гозм!
Қизим розн ва мен ҳам розм!»
Шоир қалқиб қилди тавозе;
— «Ота розн, олло ҳам розм!»
Белбоғидан тўқди минг олтун:
— «Остонангиз восганим учун...
Деди шоир, майин, табассум
Чеҳрасини қоплади бир зум.
Севгидан ва севинчдан у маст —
Бир умрга етур саргузашт,
Топмиш ёри мислсиз сўлум,
Ишқ нашъаси кўксида лим-лим...
Борур шоир саман отида,
Учар гўё бахт қанотида.
ХОНА катта, ганж панжарадор,
Нафис завқга мос зап нақшин бор,
Тўшалган чўғ гиламлар ёниқ,
Кўрпачалар ,болишлар мойиқ.
Шоир дидн — силоҳи жиҳоз,
Истар қақур-қуқур бўлса о.
Хон тахтада ёнур қўшчироқ,
Хаёллари кезурди ироқ.
Мисраларга кирурди равон
Фикрлари, гўё бир камон
Пардасидан учган кўй ҳозир,
Фусункор бир нашъада шоир.
Талай варақ тўлди ғазалга:
— «Арзирмикан сендек гўзалга!!
Умрим бўйи изладим сени,
Топдим, машъал ёритди мени.
Хаёлимдан кетмайсан нари,
Ишқ мавжланур дақиқа сари.
Мажнун, Фарҳод каби ёнурмен,
Ишқ майнга, зора, қонурмен.
Гули жоним, ташлама мени,
Жаҳон бўшдир кўрмасам сени.»
Қоронғилиқ эрий бошлади,
Мовий ипак ерга ташланди.
Севар шоир шундай паллани,
Сукунатда қучур нашъани.
Хофиз қушлар — саҳарга ошиқ,
Куйлари тонг сехрига лойиқ.
ДАРАХТЛАРНИ бурқиган нафис
Гул мадҳига ўқурлар ҳадис.
Гўзал эди бу тонг аёми,
Ҳамоҳангди шоир илҳоми.
Хиёбонда у аста юрур,
Муҳаббати бағишлар ғурур.
Гуллар гўё шабнамга қадаҳ,
Ғузалликдан туяр у фарах.
Бир-бир босди шоир гуларо,
Ўқур ғазал, янграр дилнаво.
Руҳи енгил, лиммо-лим севинч,
Тотли нашъа, хушҳол ва дил тинч.
Тонг эпкини кезиб қир, ишком,
Келтирибдир фусункор ором.
— «Ёраб, ёраб, бу не муъжиза!!
Гўё ютдим шароб бир кўза...»
Ҳаяжонда шиваларр шоир,
Хаёлларми бу қадар моҳир!!
Оҳ, бу нечук ажиб сеҳргоҳ,
Қайдан пайдо бўлди Гул ногоҳ!
— «Лутф айлангиз, улуғ ҳазратим,
Сизни кўрдим, битди ҳасратим.
Йўлингизга интизордурмен,
Кутадурмен, хоки зордурмен.
Муҳаббатдан тутдингиз шароб,
Сипқирдиму оромим хароб...»
Туйғуларки ширин, тўлди дил,
Таърифидан ожиздир бу тил.
Қизни кучур кулиб Навоий,
Афсус барн — ҳаёл, ҳавойи...
Гулшан ичра эрир қиз аста,
Яширибди қайси гулдаста!!
Таъзим ила тўхтар қаршида
Еш йигитча, қўлтуқда беда.
Салом берур хушфеъл мулозим,
Алиқ олгач шоир дер: «Иним,
Балли, отдан аяманг шафқат,
Тотсин ахир жонвор ҳам роҳат».
— Топилмайди, ҳазрат, бу хили,
Асл йўрга, ёлғиз йўқ тили.
Кўрнинди менга дулдулдай,
Севадурман нақ жону дилдай.
— «Улоққа ҳам ярар эҳтимол»
Деди кулиб Навоий хушҳол.
Тагин боғни кезар у секин,
Токнинг нафис ёнлтирроқ баргин
Бир зум тўхтаб қилур томоша:
Сирларга бой дунё ҳамиша!
Тонг салқинин эмган сувни жим,
Тавозе-ла тутар мулозим.
Навкарлар-ла ўқур у намоз,
Нонуштага ўтирурлар боз.
Дастурхонда нон, қаймоқ, халво,
Қора майиз — ҳар дардга даво.
Дарвозада йўрга кутади,
Шоир ўрда томон нетади.
Уйғонарди Ҳирот эрта тонг,
Уйғонарди қумурсқа — серонг.
Уйғотарди шамол қўшиғи,
Ризқин излар ҳар қуш тумшуғи.
Кўтармаган бошини қуёш,
Уйғонарди темирчи, наққош.
Яна қайнар Ҳирот бозори.
Расталари, сарой, гузари.
Биров отда, биров пиёда,
Қатновчилар қаддан знёда.
Қаландарлар қичқирар: «Еҳу!»
Қассоблар дер: «Бу гўшти оҳу!»
Темирчилар болғалар тақа,
Тиланчилар дарди — бир чақа.
Йиғитчалар юғурар ҳар ён,
Бошларида сават-сават нон.
Биров малла бўзда, эшакда,
Елка чиқиқ, йиртиқ телпакда.
Биров саман отда, у узун
Белбоғига тўғмиш зил олтун.
Мана бир чол тараштар мармар,
Ҳаёт шундай сеҳрам, дардисар.
Бор гўзаллар, бор чўлоқ, қиқшиқ,
Бозор шовқун, шундай қоришиқ.
Мана ипак тўла бир раста,
Шойи хитой, ҳинд — дасталарда.
Мана ханжар, қилич растаси,
Тиғи пўлат, олтин дастаси.
Халво,бозор — тоғу тоғ халво,
Таъми тотли, нархида ғаво.
Ҳаёт қайнар, олтин жаранги,
Тинмас бир зум савдонинг жанги.
Туяларнинг занжир карвони,
Қўнғироқлар салмоқли бонги.
Шундай шовқун Ҳиротда бозор,
Биров сотар, биров харидор.
Ҳар нав иксон бунда қоришиқ,
Биров боёв, бировлар пишиқ.
Борур отда Алишер вазир,
Қовуштириб қўллар мунтазир,
Ёшу-қари барида ҳурмат,
Бари салом берурлар албат.
Хаёл учар, хаёл ҳавойи,
Алиқ билан борур Навоий.
Қилмоқ истар букун у харид
Гулига бир шода марварид.
Бу бозорда заргарлик раста
Бошқасидан каммас, ораста.
Нодир гавҳар ёхуд жез сирга,
Топилурди изланган совға.
Шиннам дўкон олдида вазир
Тўхтар экан, бир йигит фақир.
От жиловин олганди дарҳол,
Истиқболга шошди заргар чол.
Кўрпачалар солинди қат-қат,
Ҳол сўрашдан бошлануур суҳбат.
— «Хизмат, тақсир!» — букилди заргар,
Касби унинг марварид, гавҳар,
Шоир деди: — «Энг нодир инжу...»
Кўзларида яширин кулгу.
— «Хўб, тақсирим!» — шошур знёда,
Жовонларда дур шодда-шодда,
Олиб тутар: — «Марҳамат, тақсир,
Танласинлар, муҳити Кабир
Ижоди-да, Муъжизакор-да,
Мисли йўқдир бирон бозорда».
Шоир кулиб, қилур тасаввур:
Бизнинг Гулга қайси ярашур...
Инжуларнинг текширур ғарқин:
— «Маъқули шу, айтсинлар нархин!
Ўрасинлар қоғозга жаноб,
Гўё томчи-томчи офтоб...
— «Дидлари кўп аъло, — кулур чол, —
Юз тиллани тиласам малол
Келмасмикан кўнгилларнг!..»
Деди заргар боқиб вазирга.
Мир Алишер ешиб камарин,
Жирингламиш тўкади зарни
Тавозекор заргар қўлига,
Инжуларни солур қўйнига.
— «Қуллуқ, тақсир, бахтга буюрсин, —
Деди заргар букилиб мамнун,—
Гули қопур беҳушдай бир зум,
Кўзларида ёнур табассум.
Инжуларни силайди секин:
— «О, бу менга ярашурмикин!»
— «Дур бўлмиш дур ёро, сизни деб,
Кўксингизда порлаб, берсин зеб».
Шоир тўймас қизнинг кўркига,
Сўзларига, қилиқларига.
Сукунатда бу икки ошиқ,
Юзларида тошқинди шодлик.
Тағин кулги, суҳбат галма-гал,
Ёд ўқурлар ишқий не ғазал.
— «Бу кунги бахт, — Навоий дейди, —
Бир умрга етса арзийди».
— «Ундоқ деманг, азизим, ҳайҳот,
Сиздан айри билмасман ҳаёт...»
Баҳтли дамлар дерлар беўлчов,
Қуванишар, кулишар иков.
Гул ўйлайди — тўхтаса замон,
Гўё ютган қалбига жаҳон.
Гўё ишқи бахш этмиш қанот,
Дер кўнглида: «На тотли ҳаёт...»
ГУЛИ ёнар гўё бир машъал,
Тилар шоир: «Ўқинг бир ғазал».
— «Йўғе...» — қиз дер уялиб маҳмур,
— «Йўқса, шингил чалингиз танбур,
О, гўзалдур, азим табиат,
Баҳор соҳир, ювилур ғурбат.
Чалинг, Гули, мунису улфат,
Танбур тори қочирур кулфат...»
Гули чалур, оҳанг сеҳрлар,
Дилга тотли қуюлур сирлар.
— «Ҳайҳот, улуғ табиат — жаннат...»
Деди шоир — қониб муҳаббат.
Навоий маст, завқлари баланд,
Муаззам бир тоза ишққа банд.
— «Жоним, сабоқ олмишсиз қайдан!»
— «Ҳафиф гуллар табассумидан...»
Гули чертар, танбур сероҳанг,
Юракларда қолмаганди зангг.
Қиз ялинар: — Шеър, о, бир шеъ р».
— «Гунг илҳомга бермбсиз меҳр,
Йўлларимга тўлдирибсиз нур,
Қуёш ишқин топдим, ташаккур.
Мен куйласам севгидан эртак,
Пойингизга тўшасам чечак.
Эшитурмен, шивирлар илҳом,
Атар сизни: гулдаги бодом...»
Гули ёзур шинам дастурхон,
Шоир қалқиб олур шу замон.
Узилмасди суҳбати ором,
Ишқ майнга қуйилур оқшом.
Навоий дер: — «Ғамим мамлакат,
Сипоҳилар даста ва даста,
Тўп саркарда сипоҳ, ораста,
Тез-тез султон чиқарди овга,
Тайёрлик нақ юришдай ёвга.
Чодирлар-у, бутун ошхона,
Унутилмас кўчма майхона.
Мана бирдан Ҳусайн Бойқора
Навоийни туртди: «Мир, қара...»
Даричада кўрди Навоий
Гулин, шоҳи рўмол ҳавоий.
Қопламаган қизнинг ҳуснини
Қотди султон, борлиқ жисмини
Ёқиб ўтди бир офат чақмоқ
Гўё дилга қадалди пичоқ.
— «Кўрмаганман — шоҳ дер ичида, —
Юлдузларнинг жилмайишида
Бундай нодир ва тенгсиз ҳуси...»
Султон Ҳусайн йўқотмиш ҳушин.
Ёпилганди шу он дарича,
Яширинганди Гул ичкаригга.
Алишерга тегди ўқ гўё
Ойгладики қоронгу дунё.
Шивирлайди Ҳусайн Бойқора!
— «Қалбга тушди кўзлари қора...
Дилда ёнди яна бир чироқ,
Дуч келди, оҳ, янги бир фироқ...»
Навоий жим ютади ғамни,
Унга йўлдош, издош апамни.
— «Он ҳазратим, ҳижрон оғир...» дер.
Ҳусайн дейди: — «Мубталомаш, Шер...».
Шоир сукут қилади бир зум,
О. бахтига бу нечук ҳужум...
Тонг шамоли эсарди секин,
Шаҳар узоқ, ҳамма ёқ экин.
Овчи итлар олда, узоқда,
Султон елар, дарди садоқда.
Иргиб тушар отидан шоир,
Арғумоқлар майсада ҳозир.
Амир, беклар тўхтайди барн,
Чодирлар мўл — тайёр илгари.
Шоир беклар, мулозимлар-ла
Сўзлашарди тағин кимлар-ла,
Ичда бўрон, кимса билмасди,
Қон томган дил—ғамга қафасди.
Шоҳ чодирда ўтирур мағрур,
Улжалик ов кайфини сурур.
Кийик кабоб, кўпирур чағир,
На қилгай, оҳ, бечора шоир!..
Қўлда қадаҳ, лабда ним ханда,
Тақдирми бу?
Ноилож банда...
ЭШИК қоқди — бу қози совчи,
Бурун карнай, тер томчи-томчи.
Гавда йирик, салласи катта,
Сургалган тўн, кулоҳи пилта.
Солиҳ боғбон титрайди зир-зир,
Қўл кўксида: — Буюринг тақсир».
Чўкиб қози, юз силар: «Омин».
Ҳол-аҳволдан сўрашар қалин.
Сўнг дейди у: «Юборди султон,
Сизга домод бўлур шоҳ жаҳон...
Кўз тушибди, ёқибди ишқи,
Мураккаб-да муҳаббат сири...»
Бир зум пих-пих кулади қози:
— «Шоҳга қизнинг бўлурму нози!...»
Боғбон қоткан, жим ўтиради,
Сўнгра қуллуқ қилиб турадн:
— «Ёлғиз қизим, сўрай райини».
Ўйлар: «Борми қизим тайини!».
Қиз кулади: — «Мен туямидим,
Бўладиган бир калламидим!..»
Боғбон чиқиб, эгилур: «Тақсир,
Пешанамга битгандур тақдир.
Қиз айтилган, буюргани бор,
Сўзни бузсак — номусимиз хор».
Қози калон ёқасин тутар:
«Ё олло!» деб тўпугин ютар.
Тахтга чўккан Бойқора ҳоқон,
Кўзларида булут ва бўрон.
Қалби чексиз, гўё бир уммон,
Янги ёрнинг ишқидан тўғён.
КОЗИ калон қулурди изҳор
Қизнинг радин такрор ва такрор.
Султон излар тез Алишерни,
Топмай имлар кичик вазирни.
— «Умид сизда, азизим вазир,
Бир ишққа мен мубтало, асир...»
Кичик вазир кашф этур қанот.
Қамради у гўё коннот.
Қуллуқ этиб, югурди дарров,
Вазир қурган қизларга кўп ов...
Боғбонга дер: — «Тақсир, қуллуққа
Келдик, умид чиқмагай йўққа».
Кирди Гули олдига боғбон;
— «Йўқ демагин, кечиргай яздон...»
Дафъатан қиз оқарди бўздай,
Қалтиради, куйди тер муздай.
— «Қайғирма, Гул, банда ноилож,
Кийгизибди тақдир сенга тож».
Гули хўнграр: — «Қани Алишер!
Мен бевафо, ютмайдими ер!..»
Ярқироқ тўн кийиб, хуш хабар
Билан учар вазир, гўё пар.
Бойқора шод: — «Тўйни бошланг, — дер.—
Зир титраси етти осмон-ер».
ОЙ тўлибди... Нур селида тун.
Аммо икки кўнгилда тутун...
Ултирурлар Гули ва Шоир,
Ҳасратлари ҳижронга доир.
Ишқ чаманин буркади булут,
Утирурлар... хазин бир сукут...
Самода чўғ гўё юлдузлар,
Сомон йўлда Гул нажот излар...
— ... Изингдамен бутун умр, Гул,
Бадбахтлик бу — кўнгил қўрим кул.
Сенга теккан ўқ дилда ҳар он,
Томизадур томчи-томчи қон...—
Шоир олди қўйнидан девон:
— ... Гулим, ҳар гез сен — қалбимда жон.
Шу ғазаллар мендан ёдигор,
Рад этма, ёр, йиғлатма зиҳор
Бу шеърлар куйлар севгимни,
Бу достонлар сўйлар севгимни...»
— «Ҳазрат, менми ё сиз бевафо!..»
— «Йўқ тақдирдан эмиш бу жафо!».
Ҳўнграб-ҳўнграб йиғлар эди Гул:
— «Дердим, бўлай шоирга мен қул...»
— «Йиғлама, Гул, йиғлатма зиҳор,
Мен билмасман секдан ўзга ёр.
Қовушмасдан бошланди ҳижрон,
Ишқ чаманин совурди ҳазон...»
Гоҳ ҳазилла шоир овутур,
Ясама бир латифа тўқур:
— «Гули, улуғ Султон бегимсиз,
Остонада қулингиздур-биз».
Гоҳ мантиқ-ла қилур насиҳат,
Кўнглида дер: «Бу нечук ҳаҳшат!».
Олисларда хўроз қичқирар,
Гул дер: «Мени унутманг зиҳор».
Дурлар ёнур Гулнинг бўйнида:
— «Узун-узун ҳижрон йўлида
Инжуларни кўзга сурурман,
Ҳазрат, ҳар дам мен ҳис қилурман.
Кўксингизга қўйдим деб бошим,
Бу инжулар — қайноқ кўз ёшим...»
Қиз кўксида ёнарди дурлар,
Кўз ёшларда сўнарди нурлар...
— «Ё раб, нечук инсонмен номард,—
Дер ичида шоир ютиб дард,—
Достонларда топилмас бу қиз,
Яратишга илҳомлар ожиз...».
Турди шоир: — «Алвидо, Гулим,
Елворамен, йиғлатма дилим...»
Гўё кўнгли қовжироқ, чил-чил...
Аста юрди, қадамлари зил.
Шоир ва Гул айрилдилар жим,
Қалблар мунгли, ғариб ва етим...
Ол шафақда аста тўғди кун,
Эриб кетди такрор келмас тун...
ОСТОНАДА шоҳ қилур хитоб:
- «Гули бегим мисли офитоб!»
Гул эгилур: — Улуғ ҳоқоним!
Ассалом, э шоҳи жаҳоним!»
Еноғида сўнган ол шафақ,
Ҳусайн ўпар: «Бўлдим муваффақ
Улуғ бахтга — Гул меним ёрим,
Раҳм айлади парвардигорим».
Қуради у тўрда чордона,
Ўтирур маст, терда пешона.
Қиз қалбида чайқалур армон,
Хумор кўзлар энди паришон.
Гўзалликда зарра йўқ нуқсон,
Чексиз ҳаврат кўнглида пинҳон:
Ҳислари ва ҳирслари қайноқ
Султон Ҳусайн гўё бир ялроқ,
Қалтирарди, ожиз, бир хитоб.
Қилолмасди, қамраган гирдоб.
Кўп гўзаллар бўлгандур улфат,
Маликалар қилгандур сухбат..:
Гулнинг латиф, нур қиёфаси,
Кўрки гўё — бир тонг нафаси,
Шоҳни қилмиш эди маст, беҳуш,
Кечинмалар ширин, гўё туш...
НАЗОКАТЛА Гули дер: — «Ҳазрат,
Сиздан қирқ кун сўрайман муҳлат...
Лутф айлангиз, олий ҳукмдор!
Қулингизнинг шу тилаги бор...».
Шоҳ сукутда чекар изтироб,
Қани сабр, бу нечук азоб?!
Гули кулар: — «Подшоҳи олам,
Ярашмайди Сизга чекмак ғам...».
Ҳусайн дейди: «Борлиғим бутун
Оёғингиз остида букун.
Гули, менга сиз — юлдуз сиз — ой,
Сизгадур мен фақир — ҳоки пой.
Ҳар на истанг — эрмда муҳайё,
Сиз — кўзимда, кўнглимда зиё».
Таъзим ила Гули букулур,
Жўш урарди ирода, ғурур:
— «Ташаккур, оҳ Сизда кўп шафқат,
Шоҳи одил, топинг ҳақиқат...»,
Такрор-такрор Гул қилур қуллуқ,
Кўз ёшида киприклар қуюқ.
Жойдан аста турар ҳукмдор,
Афсонада шундай нақл бор...
ГУЛ гўшаида, эрир гўё шам,
Яра қалбда чайқалурди ғам.
Бугун қирқ кун, Гули ҳуд соз,
Ичка армон чўккан зўр қоя.
Дард кемирмиш сийнани бутун,
Кўзларига тортилган тутун.
Қон бўялиб туғарди саҳар,
Томирларга тарқалур заҳар.
Қиз хўрсинди, тугашда умри,
Бугун сўнар кўздаги нури.
Шоҳ Бойқаро бир сўз қотолмай,
Чиқди сиртга, йиғлади талай.
Остонада тиз чўккан шоир,
Сийнасида дард юкн оғир.
— «Алвидо...» — дер Гул Навоийга.
Сўнг бор сўзлар бу шайдойига:
— «Баҳорнига ёғилди қиров,
Тақдирга, оҳ, нечук қилай доа!
Бу мавзилга келдим ажалнинг
Қанотида — у бемаҳалнинг.
Сизга сўнгги, ёлғиз васиятим:
Елкангизда эл тобутим...
Қучоқлагай ишқимни қабр,
Сизга тилай тангримдан сабр.
Пора-пора дилларда чоким,
Елкангизда элтингиз хоким...
Елворурмен, тўкманг кўз ёши,
Олмос эрур тақдирнинг тоши...».
Гул юзига қўнди табассум,
Юмди кўзин, қучмишди ўлум.
Навоий қон йиғлар эди жим,
Оқди ёшлар, оқди бетиним...
Уртанур дил ярси, доғи,
Аста чиқди, оғир дард тоғи.
Қуюлур ёш, сийна ўт қозир,
Ҳусайнга йиғлаб дер шоир:
— «Соянгизда сўлди Гул ҳаман...».
— «Саредан тобут, гуллардан кафан...».
Деб шоирнинг бўйнига шу он
Ҳўнграб отар ўзини хоқон.
Елкаларда чайқалур тобут,
Кўнгилларда моғам, ғам — булут.
Канизаклар йиғлайди бари,
Қўзғалдилар қабристон сари.
Шоир борур, ғамдан эгик бош
Қалбга тому[illegible]тра-қатра
Елкасида бо[illegible] Гули,
Қовжирарди оташда дили.
Ишқ дардидан эримасми то!
Шоир элтур кўмгали қуёш...
Оғушига олур сиёҳ чох,
Бу чоҳ Гулга мангу оромгоҳ.

ИНСОН ВА ТАРАҚҚИЁТ

«АДАБИЁТ ВА ҲОЗИРГИ ДУНЁ» ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ

ТОШКЕНТ РУҲИ ЖАҲОН УЗРА

Мана «Адабиёт ва ҳозирги дунё» мавзуидаги халқаро симпозиумнинг иши тугайдиган пайт келди. 24 сентябрда Ҳамза номли Тошкент театрининг нурафшон залига барча қитъаларнинг ёзувчилари яна кириб келишди. Бу гал улар адабиётни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари борасидаги мунозарани якунлаш учун тўпландилар.

Болгария ёзувчиси **Славчо ВАСЕВ** сўзга чиқади. Тошкентдаги учрашув, деб таъкидлади нотиқ, бу ерда кўпдан-кўп давлатларнинг атоқли ёзувчилари тўпланганлиги учун ҳам кўп жиҳатдан унутилмасдир. Бу анжуман яна шу жиҳатдан муҳимки, унда Осиё ва Африка мамлакатлари адабиётчилари бирдамлиги ҳаракатининг ўн иллиги нишонланмоқда, фикрлар кенг алмашилмоқда. Тошкентдаги бу учрашув ҳозирги замон Европа адабиётига ҳам, умуман ҳозирги замон адабиётига жуда бевосита тааллуқлидир, деб айтишимизга барча асослар бор.

Мен Байрут конференциясида қатнашиш шарафига муяссар бўлганимдек, мана уч кундан буён ўз ишини муваффақиятли давом эттираётган бу симпозиумда ҳам қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу анжуманнинг ажойиб фазилати: Фикр ва гоялар бирлиги, учрашувимиз қатнашчилари адабиётнинг роли ва ёзувчининг масъулиятига тааллуқли масалалардаги ҳамжиҳатликни таъкидлаб ўтишим мумкин. Бу ерда гап ёзувчининг ўз халқига садоқат билан хизмат қилиши тўғрисида кетяпти. Халқ билан ёзувчини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Халқ ёзувчини қўллаб-қувватламаса, ёзувчи халқ билан чамбарчас алоқада бўлмаса, ўзининг асосий бурчини бажара олмайди.

Кўп миллатли совет адабиётининг мавжудлиги, ривожланаётганлиги ва равнақ топаётганлиги жаҳон прогрессив адабиётининг чинакам ғалабасидир. Кўп миллатли совет адабиёти ранг-баранг ва қудратлидир. Оптимизм, инсонга ишонч — Совет адабиётининг асосий фазилатларидан бириди рки, ана шу оптимизм бизнинг Тошкентдаги учрашувимизда ҳам ўхшаш бўлиши керак.

Совет Иттифоқининг кўп миллатли адабиёти — Африка ва Осиё адабиётининг, бутун жаҳон адабиётининг таркибий қисмидир. Ҳозир бу нарса бирор иш қилиб ва бирор йўл билан адабиётимизнинг қардошлигига зарар етказишига, уни заифлаштиришга ,сафларимизга нифоқ солишга уринаётган ашаддий сиёсатдонлар ва игвогарлардан бўлак ҳаммага равшандир, деди атоқли совет ёзувчиси **Анатолий СОФРОНОВ.** Лекин сиёсатдонлар ва игвогарлар қора ниятларини ҳеч қачон амалга оширишга муваффақ бўла олмайдилар.

Баъзи бир тортишувларимиз ва мунозараларимизга қарамасдан — бундай мунозаралар ва тортишувлар адабиётчиларга ҳамиша хос бўлиб келган. Биз асрлар бўйи якдилмиз, биз бир-биримизни ҳурмат-эҳтиром қиламиз биз куч-қудратимизни, тош метиндек жипслигимизни мустаҳкамлаш учун ҳамиша интиламиз, бунга бизнинг Африка—Осиё ёзувчилари уюшмаси ҳам ёрдам беради.

Адабиёт билан сиёсат ҳамиша баб-баравар қадам ташлайди. Адабиётдан сиёсатни, сиёсатдан адабиётни ажратиб бўлмайди. Биз сиёсатни қанча яхши тушунсак, адабиётимизнинг бадиийлиги ва гоявийлигини ҳам шунча яхши тушунган бўламиз, асарларимиз шунча маъно дор бўлади. Бу соҳада Осиё ва Африка ёзувчиларининг, жаҳондаги барча тараққийпарвар ёзувчиларнинг ижодий иши учун кенг йўл очиб берилган деб ўйлаймиз.

СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг профессори **Е. П. Челишев** ёзувчилар ижодидаги миллий ва интернационал нисбатлар проблемасини атрофлича таҳлил қилди.

Шарқ мамлакатларидаги адабиётда интернационал бирлик, дейди нотиқ, турли мамлакат халқларининг иқтисодий ва маданий алоқалари ўсиши натижасида, халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун, иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маданий тараққиёт учун кураши натижасида вужудга келади. Шарқ мамлакатлари адабиётларида интернационал руҳ уларга жаҳон адабиётининг илгор тажрибаси таъсири натижасида ривожланади. Шарқ мамлакатларининг халқлари жаҳон прогрессив адабиети тажрибасига таяниб, ўз миллий традицияларидаги консерватив, тургунлик элементларини енга оладилар, ўзларининг жаҳонни бадиий жиҳатдан қуриш доираларини кенгайтирадилар, ўз адабиётларининг гуллашини ва ўсишига ёрдам берадиган жамики янгилик, жамики илгор нарсаларни қучайтирадилар. Осиё ва Африка мамлакатларидаги халқларнинг ҳозирги замон адабиётида интернационал бирлик ёзувчиларнинг инсонпарвар тўлқинлантираётган энг муҳим проблемалар — тинчлик учун, уруш хавфига қарши кураш, социал адолат учун, қашшоқликка, жоҳилликка, ҳуқуқсизлик ва зулмга қарши курашдек муҳим проблемаларни ҳал қилишга аралашуви натижасида ривожланади.

Сомали вакили **Абдулазиз Шайх ИСМОИЛ** ўз нутқида Совет прогрессив ёзувчилари олдида турган проблемалар тўғрисида, жумладан мустамлакачилар миллий тилларни ривожлантиришга атайин тўсқинлик қилганлиги сабабли келиб чиққан қийинчиликлар ҳақида гапиради.

Сомали адиби Америка империализминнинг қўпорувчилик фаолиятига симпозиум қатнашчиларининг эътиборини жалб қилганида унинг сўзлари қаҳр ва ғазаб билан жаранглайди. Америка монополистлари Африкадаги ёш мамлакатларда илмий кадрлар жуда етишмаётганлигидан фойдаланиб, «ёрдам» ниқоби остида ўзининг минглаб агентларини юбормоқдалар. Улар ёшларнинг миясини ва қалбини ўз томонига оғдириб олмоқ учун илм-фан дан фойдаланмоқдалар, уларнинг тарбиясини бузиб, ахлоқига ёмон таъсир қилмоқдалар, шу тариқа нормал тараққиётга халақит бермоқдалар. Шу сабабли жаҳон империализминнинг ҳужумини барбод қилмоқ учун ёзувчиларнинг тагин ҳам бирдам бўлиб, тагин ҳам кўпроқ куч-ғайрат сарфлаши талаб қилинади.

Абдулазиз Шайх Исмоил ўз нутқининг пировардида ўз мамлакати мустақилликка эришганидан сўнг Совет Иттифоқи халқлари учун жуда катта маданий-иқтисодий ёрдам бергانлиги учун Совет Иттифоқи халқларига миннатдорчилик изҳор қилди. Совет кишилари халқларнинг янги уруш хавфига қарши олиб бораётган актив курашдаги бирдамлигини мустаҳкамлашга ҳамиша интилиб келаётганликлари учун уларга ташаккур билдирди.

Машҳур совет шоири **Расул ҲАМЗАТОВ** оташин нутқ сўзлади.

Баъзи бировларнинг даъво қилишича, бизга ранг-баранглик ва музика ёт бир нарса эмиш, биз адабиётни сиёсатга алмаштириб юборган эмишмиз дейди Дағистон вакили. Бу кимсалар биз тонг отиши ва кун ботиши ҳақида гапириб, лекин рўй бераётган ёнғинларни тилга олмаслигимизни, биз боғларнинг гуллашини қуйлаб, лекин ана шу гўзал боғларни нобуд қилмоқчи бўлган қуртлар ҳақида оғиз очмаслигимизни, бизнинг қизларнинг оқу кўзларига суқланиб боқиб, лекин шу кўзлардан ёш томганида тескари қараб туришимизни истайдилар. Уларга жавобан биз бундай дейишимиз мумкин: Бекорларни айтибсизлар, биз турмушга зийрак кўз билан қарайміз ва биз учун сўз йиллар, асрлар, даврлар воқеаларини ўлчаб берувчи бамисоли бир секундомердир.

Бизнинг бошқа тоифадаги душманларимиз ҳам бор, — улар бизнинг ҳамма ишларимизни ёқтиришмайди. Уларнинг гапига қараганда, биз музика ва поэзия ҳақида, жанрлар ва услуб ҳақида гапириб, асосий сиёсий мавзулардан четга чиқиб кетаётган эмишмиз. Бизнинг ғўзаллик ҳақидаги мунозараларимиз уларнинг жаҳлини чиқаради, биз «тинчлик, севги, соҳибжамол» сўзларни айтганимизда улар бизларни сиёсатдан ташқарида турувчи кишилар, деб ҳисоблайдилар. Улар бизнинг идеалларимизга, идеал шахсга, бизнинг ҳаётимизга сафсатабозликни қарама-қарши қилиб қўймоқчи бўладилар, улар шаклсиз поэзия, оҳангсиз музика, фантазиясиз суратқашлик бўлишини истайдилар. Бу сиёсат эмас, балки сиёсатбозликдир.

Макс Вальтер ШУЛЬЦ Германия Демократик Республикаси ёзувчилари номидан симпозиум қатнашчиларига самимий салом топширади.

Мен чин қалбимдан сиз азиз дўстларни ишонтириб айта оламанки, менинг мамлакатимда Тошкент руҳи жонли тушунча бўлиб қолди, — дейди ГДР вакили. — Бу руҳни биз энг истеъдодли, энг тараққийпарвар адабий кучларнинг бирлашуви деб, уларнинг бутун дунёда тинчлик учун курашда, империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашда актив қатнашишга иштиёқмандлиги деб биламиз. Биз Тошкент руҳини ҳеч қандай миллий чегараларни писанд қилмайдиган активлик, инсонпарварлик дунёсини бирлаштириш, деб тушунамиз.

Тошкентликлар, Совет Иттифоқи халқлари, ҳурматли ёзувчилар! — Кениядан келган ёзувчи **Жон МВАНГЕ** ўз нутқини ана шундай тантанали сўзлар билан бошлайди. Африкадаги ёш давлат вакили айтадики, капитализм билан мустамлакачилик мустақилликка эришган мамлакатлардаги ўз позицияларини сақлаб қолишга ва мустаҳкамлаб олишга интилмоқда. Шундай бир шароитда тараққийпарвар ёзувчиларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, илгор мамлакатлар ёзувчиларининг Африкадаги ёш адабиётларга ёрдамини кучайтириш жуда муҳимдир.

Арманистон адибларининг вакили **С. АЛАЖАЖЯН** ўз нутқини шакл билан мазмуннинг бирлиги масаласига бағишлади.

Янги шакларни излаш эски анъаналарни йўқотиш керак, деган маънони билдирмайди, дейди нотиқ. Маданий революция байроғи остида авлодлардан мерос бўлиб қолган мўътабар маданият ҳазиналарини йўқ қилаётган кишиларни қоралаш лозим. Адабиёт — цивилизация тарихи пойдеворининг таркибий қисми бўлиб, маданият тарихининг энг муҳим дурдоналаридан биридир. Пойдеворга путур етса, унинг устига қурилган бино ҳам ағдарилиб тушади.

Мунозарага Сенегал шоири **Жан БРИЕР** қўшилади. У ўзининг асосий фикрини қуйидагича ифодалайди. Бизнинг олдимизда, ҳозирги дунё ёзувчилари олдида турган энг ўткир вазифа — Совет Иттифоқидан ибрат олиб, халқларнинг бирлашувига, ҳар бир имконнятдан фойдаланиб, бошқа халқларнинг анъаналарини билиб олишга кўмаклашишдан иборат.

Вьетнам! Бу сўз симпозиум қатнашчиларидан кўп кишининг нутқларида янграб эшитилди. Бу сўз адибнинг дунё тақдири учун юксак масъулятини билдирувчи тушунчанинг синоними бўлиб, дунёдаги тараққийпарвар ижодий зиёлиларнинг кучларини империализмга қарши курашда тагин ҳам кўпроқ жипслаштиришга даъват бўлиб янгради. Энг кекса совет ёзувчиларидан **Александр ИСБАХнинг** сўзи ҳам Вьетнамга бағишланди. Кўп йиллар мобайнида, деди у, шоирлар пролетар интернационализми мавзуига қайта-қайта мурожаат қилиб келдилар. Бизнинг давримизда Вьетнам мавзуи пролетар интернационализмининг энг ёрқин ифодаларидан бири бўлиб турибди. Неча ўнлаб тилларда нашр этилаётган совет адабиётида бу мавзу зўр меҳр-муҳаббат билан тараннум этилган. Бизнинг ўнлаб китобларимиз Вьетнамга, унинг турмушига, унинг қаҳрамонона курашига бағишланган. Совет ёзувчилари Вьетнам халқининг гам-гуссасига, қувончига, унинг мусибатига ва ғалабасига бефарқ қараётганлари йўқ. Уларнинг асарлари бир-бирини тўлдириб, бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб, зўр эпик сюита ҳосил қилмоқда.

Курашнинг умумий баррикаларида ўзларига муносиб ўрин олаётган бошқа социалистик мамлакатларнинг ёзувчилари ижодида ҳам Вьетнам мавзуига бағишланган асарларни кўплаб учратиш мумкин. Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши ҳужжатли кинода ҳар томонлама акс эттирилди. Вьетнамга бағишланган ҳужжатли фильмлар ҳам ўзига хос жанр майдонини эслатади.

Классик анъаналар барҳаётми ёки бу анъаналар уларни ўқиб, ҳузур қилиш учун узоқ ва яқин ўтмишдаги ота-боболаримиз қолдирган мароқли шунчаки бир меросми? Мен ҳузур бахш этмайдиган чинакам санъатни билмайман, дейди таниқли совет таржимон шоири профессор **Л. ЭЙДЛИН.** Классик адабиётнинг бу вазифаси унинг аҳамиятини сира камситмайди.

(Давоми бешинчи бетда).

ЖАҲОН ШОИРЛАРИ САНЪАТ САРОЙИДА

Жаҳон поэзиясининг янги тарихи ёзилганида, унинг саҳифаларидан бири албатта 23 сентябрь куни Тошкент Санъат саройини лиқ тўлдирган кишилар иштирокидаги шеърият кечасига бағишланиши турган гап. Бу шеърият кечасини залда тўпланганлардан ташқари Ўзбекистондаги ва у билан қардош республикаларнинг кўпгина областларидаги кўп миллионли томошабинлар ҳам телекамера ёрдамида кўриб турдилар.

Тошкентда бўлиб ўтган шеърият кечасига тарихдан бир саҳифа ажратилар, дедик эҳтимол бу ҳам камлик қилар. Тўрт қитъадан келган қирқ шоирнинг ўнлаб тилларда ёзилган шеърлари залда янграр экан, муҳлисларнинг олқишлари сира тинмади, залдагилар жаҳон шоирларини завқ-шавқ билан олқишлардилар. Шеърлар уч соатдан ортиқроқ вақт мобайнида янгради! Кечанинг ҳар икки раиси — атоқли шоир Алексей Сурков билан Ҳамид Ғулом шеърият муҳлисларининг сира тинмисиз қарсакларига баҳо бериб, ҳазил мутойиба билан: «Бу тошкентликларга ҳос характер», дейишди, дарҳақиқат, шеъриятга бундай ихлос юксак гражданлик ҳис-туйғусининг ифодасидир.

Бу мушоира кечаси чиндан ҳам гражданлик лирикаси кечаси бўлди. Бу кеча «Адабиёт ва ҳозирги дунё» мавзуидаги халқаро анжуманнинг қатнашчилари шоирнинг асосий бурчи — озодлик учун, тинчлик учун, тараққиёт учун, бахт-саодат учун курашчи бўлишдан иборат, деган таърифни тўла-тўкис намойиш қилди. Шоирнинг қудрати яна шундаки, у ўз нидоси билан, қалб садоси билан кишиларни ана шу озодлик, тинчлик, тараққиёт, бахт-саодат учун курашга даъват этиши керак. Қирқ шоир қаҳ-қаҳ томири уриб турган қирқ қалбдек бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ҳар қандай ҳасадгўйликдан ҳоли ўз қаламкаш дўстининг ижодий муваффақиятидан юракни шавқ-завққа тўлдирадиган, қалблар мусобақасидан иборат бу мушоирани ўзбек шоираси Зулфия бошлаб берди. У ўқиган шеърнинг ўзи ҳам «Мушоира» деб аталади. Бу асар бундан ўн йил муқаддам Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент конференциясига бағишлаб ёзилган эди.

Етакчи рус шоирлари кечада кўпинча ўз шеърларинигина ўқиб қолмасдан аввало, ҳамқалам қардошларининг шеърларини ўқидилар. Ажойиб ўзбек шоири Ойбек шеърини Николай Тихонов ўз таржимасида ўқиди. Бошқа бир ўзбек шеъриятининг донишманди Ғафур Ғулом шеърлари Константин Симонов таржимасида рус тилида янгради. Евгений Евтушенко Иордания шоири Мунир Бсисунинг ажойиб вазнли шеърларини рус тили воситасида маҳорат билан баён қила олди. Мали шоири Гауссу Диавара гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. У барча мазлумларнинг ва йўқсулларнинг доҳийси В. И. Ленин тўғрисидаги шеърини ўқиди. Шоир бу асарида доҳийни осмондан тушган олмос юлдузига тенглаштиради. Унинг ёнги насида ана шу образни тинчловчилар юрагига ҳаяжонли ва аниқ етказа олган таржимон М. Курганцев турибди. Таржимонлар Тошкент меҳмони бўлган бошқа шоирларнинг ёнларида ҳам туришибди. лекин кўпинча уларнинг таржималари тизилган сатрларнинг баёнигина эди; баъзан умуман шеърлар таржима қилинмаган эди. Лекин шеърга бўлган иҳлос туфайли залда қарсаклар узоқ давом этиб турди.

Эркинлик учун кураш тўғрисида шеър ўқиган турк Рифат Илгос билан Бирлашган Араб Республикасидан келган шоир Салоҳ Абдул Собир, Исроил агрессияси тўғрисида шеър ўқиган суданлик Абдулла Аттоиб билан жаҳонда ҳамма кишилар учун зарур бўлган тинчлик тўғрисида шеър ўқиган исроиллик тараққийпарвар шоир Ави Шаул, вьетнамлик ватанпарварларнинг кураши тўғрисида шеър ўқиган Евгений Долматовский билан совет кишиларининг америка неграли қаҳрамонлигига чуқур ҳайрихоҳлик билан қараётганлиги тўғрисида шеър ўқиган Анатолий Софронов ҳамфикр бўлиб чиқдилар.

Сенегал ва Грузияда, Ҳиндистон ва Белоруссияда, Ливия ва Дағистонда, Эрон ва Тожикистонда, Парагвай ва Бошқирдистонда, Непал ва Литвада, Сурия ва Кабардада туғилган шеърлар янграб турди. Бу шеърлар ёзилган жойларнинг ҳаммасини санаб ўтиришга етказиб бўлмайди. Тошкентликларнинг гоят хушнудлигига жавобдек бўлиб қирғиз шоири Қувончбек Маликов ва Танзаниядан келган шоир Г. Вулатнинг Тошкент ҳақидаги шеърлари янгради. Танзаниялик шоирнинг: «Планета мизни худди мана шундай биргаликда қурмоғимиз керак!» деган сўзлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

И. КОЗЛОВСКИЙ, Г. ЛИПШИЦ, Е. МАЙОРОВ.
ТАСС — ЎзТАГ мухбирлари.

БИЗ СЕНГА ҲАМДАММИЗ, ВЬЕТНАМ!

Тошкентда бирдамлик митинги

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнатлари — Халқаро адабий симпозиум муносабати билан Тошкентга келган беш қитъанинг таниқли ёзувчилари ҳам Тошкент меҳнаткашлари билан биргаликда, барча совет кишилари билан биргаликда Америка ҳарбийларининг ёвузликларига қарши ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар. Улар ана шу норозиликларини баён қилмоқ учун 24 сентябрда тошкентликлар билан бирга санъат саройига тўпландилар.

Тошкент шаҳар ижроия қўмитининг раиси Ҳ. А. Асомов митингни очиб, қаҳрамон Вьетнам халқининг Тошкентга келган вакилларини қизғин ва самимий табриклади.

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг СССРдаги ваколатхонаси бошлиғи Данг Куанг Минь минбарга чиққанида мажлис аҳли уни қизғин қарсаклар билан кутиб олади. У бутун совет халқига ҳамда вакиллари Тошкентдаги Халқаро адабий симпозиумда қатнашаётган ва шу митингда иштирок этаётган кўпгина мамлакат халқларига Жанубий Вьетнам халқи ва Миллий озодлик фронти номидан оташин салом ва чуқур миннатдорчилик топширди.

Залда яна қарсаклар бошланади. Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Нгуен Тиен Тхонг минбарга чиқади.

Сизларнинг асарларингиз, деди у адибларга ,мурожаат қилиб, одамларнинг дилига жо бўлмоқда, уларга илҳом бермоқда, уларнинг ватанпарварлигини, социализмга муҳаббатини кучайтирмоқда, империалистик агрессорларга ўтли нафрат уйғотмоқда.

Машҳур совет шоири Алексей Сурков сўз олади. У адибларнинг халқаро симпозиумда курашаётган Вьетнам халқини қўллаб-қувватловчи сўзлар тез-тез янграб турганлигини айтди.

Америка агрессорлари Вьетнам диёрида қулоқ эшитмаган ёвузликлар қилмоқдалар, деди Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари Н. М. Железнов. Мен фашистлар Германиясига қарши Улуғ Ватан урушида қатнашиб, уруш даҳшатларини ўз кўзим билан кўрганман, деди у. Лекин Америкаликлар Вьетнамдаги ёвузликлари жиҳатидан фашистлардан ҳам ўтиб тушдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларига уюшмасининг бош секретари Юсуф Алсибоий совет кишиларининг ғазабли норозилик овозига ўз овозини қўшади. Биз, деди у, ўзимизнинг адабий симпозиумимиз ишларини тугатиб, шу залга тўпландик.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси С. О. Азимов Тошкент симпозиумида адиблар Вьетнам халқининг ҳаққоний ишига мададкор эканликларини изҳор қилдилар, деб айтди. Ёзувчиларнинг Тошкентда жаранглаб эшитилган овози, деди у, бутун ер курраси халқларининг овози эди.

Поляк ёзувчиси Леопольд Левин, Камбоджа ёзувчиси Тринь Хоань, Тошкент медицина институтининг студенти Маъмура Валиева ва Улуғ Ватан уруши даврида ҳалок бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг онаси В. И. Ивлиева митингда сўзга чиқиб, ўзларининг Вьетнам халқи ғалабасига қаттиқ ишонганликларини айтдилар.

(ЎзТАГ).

ЭРОН ШАҲАНШОҲИ МУҲАММАД РИЗО ПАҲЛАВИЙ БИЛАН МАЛИКА ФАРОҲ ПАҲЛАВИЙ МОСКВАГА КЕЛДИЛАР

МОСКВА. 24 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Эрон шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий билан малика Фароҳ Паҳлавий бугун расмий визит билан Москвага келдилар.

Иккала мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонларни Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, Ю. В. Андропов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди.

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-243» ПАРВОЗДА

1968 йил 23 сентябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-243» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Бошланғич айланиш даври 89,6 минут; Ер юзидан максимал узоқлашуви (апогейда) 319 километр; Ер юзидан минимал узоқлашуви (перигейда) 210 километр; орбитанинг оғиши 71,3 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари 19,995 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик, орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, асбоблар ва илмий аппаратларнинг ишлаши ҳақидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш марказ олинётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ ОДИЛОНА ИШИ ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ!

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ ҚАҲРАМОНОНА КУРАШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЁЗУВЧИЛАР ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЎТКАЗИЛГАН УМУМШАҲАР МИТИНГИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Биз, Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари ёзувчилар халқаро симпозиуми қатнашчилари билан биргаликда митингга тўпланиб, Америка империализмининг ваҳшиёна агрессиясига қарши адолатли кураш олиб бораётган қаҳрамон вьетнам халқи билан қардошларча бирдам эканлигимизни ва уни тўла қўллаб-қувватлашимизни изҳор қиламиз.

Бутун дунё халқлари Вьетнамга қарши қилинаётган қонли агрессияга лаънат ўқимоқдалар. Америка босқинчиларининг Вьетнам тупроғидаги шармандали йўлининг оқибати шу бўлдики, ўн мингларча тинч аҳолининг ёстиғи қуримоқда, шаҳар ва қишлоқлар, меъморчилик ва тарихий ёдгорликлар вайрон қилинмоқда, мактаблар ва касалхоналар кул тепага айланмоқда.

Ярим миллион Америка солдати ҳам, сайгонлик қўғирчоқ армияси ҳам, АҚШнинг малайлари юбораётган ёрдам агрессорларга ёрдам бера олмайди.

«Озод дунё» деб аталмиш капиталистик дунёсининг химоячилиги ўзларини кўрсатаётган империалистлар озодлик учун курашчиларини чўчита олмадилар ва ҳеч қачон олмайдилар. Вьетнам халқининг адолатли кураши ҳаммаро бирдамлик, империализмга қарши кучларнинг ҳаммасига кўрсатаётган жуда катта маънавий-сиёсий ёрдамчилик мамлакатларнинг ва аввало, Совет Иттифоқининг доимий ва кенг кўламдаги ёрдами бутун дунё халқларининг агрессия, уруш ва реакция сиёсатига қарши ҳаракат бирлигини мустаҳкамламоқда.

Ана шу қудратли бирдамлик ҳаракатида барча қитъаларнинг тараққийпарвар ёзувчилари, халқ оммасига ҳақиқатни тушунтираётган, жаҳон империализминнинг агрессив моҳиятини, унинг халқлар озодлиги ва мустақиллигини бўғишдан иборат ваҳшиёна табиатини фош қилиб ташлаётган ана шу ёзувчилар миллион-миллион холис ниятли кишилар билан бирга олдинги сафда бормоқдалар.

Биз, митинг қатнашчилари Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши бошқа уруш ҳаракатларини дарҳол, батамом ва сўзсиз тўхтатишни, Америка қўшинларини ва уларнинг гумаштаси қўшинларини Жанубий Вьетнам еридан олиб чиқиб кетишни, Вьетнам халқига Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 1954 йилги Женева битимларига батамом мос келувчи адолатли позицияси ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг сиёсий программаси асосида ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконини бериб қўйишни талаб қиламиз.

Вьетнамнинг одилона ишини қўллаб-қувватлаш йўлидаги халқаро бирдамлик ва ҳаракат бирлиги мустаҳкамлана берсин!

Суратда: Вьетнам халқи билан бирдамлик юзасидан ўтказилган митинг пайти.

А. Тўраев фотоси.

БАРАКА

Ғўза барглари яхши тўкитирилган йирик ва текис пайкалларда 8 та терим агрегати уч группа бўлиб ишлаяпти. Бир картадаги пахта териб бўлингач, агрегатлар унинг ёнгинасидаги картага ўтказиляпти. Натижада «зангори кема»лар узоқ йўл босиб ортиқча вақт сарфламаяпти, машиналардан унумли фойдаланиш имконияти туғиляпти. Бункерлар «оқ олтин»га тез-тез тўлиб турибди. Техниканинг қудратига ҳамма тан беряпти. Чунки терим агрегатлари ишга тушгандан кейин хирмонга барака кирди. Пунктга ҳар куни йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорида пахта жўнатиб турилибди.

Бунда ёш механик-ҳайдовчи Зокир Муҳаммедовнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. У бу йил биринчи марта пахта тераётганлигига қарамай, машинани моҳирлик билан бошқариб, бункердан кунига 3-3,5 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқда. Ўртоқ З. Муҳаммедов ўз агрегати бункеридан мавсумда 150 тонна дурдона тўкмоқчи. Унинг ҳозирга қадар терган пахтаси 50 тоннадан ошиб кетди. Механик-ҳайдовчилардан Х. Қудратов, Т. Ҳамроев, Б. Ҳакимов ўртоқлар ҳам 50-60 тоннадан пахта териб топширишди. 8 та машина билан кунига 25 тоннагача пахта терилмоқда.

— Биз ана шу азаматларимизга ишониб улкан марраларни кўзламоқдамиз, — дейди колхоз раиси Носир Жўраев, — бу йил давлатга топширилиадиган 3 минг тонна пахтанинг бир минг тоннасидан кўпроғини машиналарда териб олишни планлаштирганмиз. Бункерлардан ҳар куни мўлжалдагидан ортиқ пахта тўкилаётганлиги план ва мажбуриятимизнинг тез бажарилажагидан далолат бериб турибди. Машиналарда терилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинмоқда. Йиллик планни асосан биринчи сорт пахта ҳисобига 20 октябргача бажаришни мўлжаллаб иш кўряпмиз. Механик-ҳайдовчиларга ва механизациялашган терим билан банд бўлган колхозчиларга СССР Министрлар Советининг янги қарори асосида ҳақ тўланмоқда. Бу тадбир механизаторларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Вобкент районидаги Ленин номли колхоз правленияси ва партия ташкилоти пахта тайёрлаш йиллик планини 20 октябрга қадар бажариш тадбирларини белгилаганларида фақат терим агрегатларининг ишинигина эмас, шу билан бирга колхоздаги ишга яроқли теримчиларнинг меҳнатини ҳам тўла ҳисобга олишган. Шуни кўзлаб теримга четдан ишчи кучи ёлламасликка қарор қилинган. Бу қарорга изчил амал қилинмоқда. Ҳозир ҳамма далада. 450 колхозчи этак тутиб пахта теряпти. Ҳар бир теримчи иккитадан кўп хонали этак билан таъминланган. Уларнинг терган пахтаси пайкалларда қабул қилиб олиняпти.

Теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг унумли ишлашлари учун яхши иш шароити яратиб берилган. Шийпонлар колхозчиларнинг иккинчи уйига, оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айлантирилган. Уларга далада иссиқ овқат тайёрлаб берилмоқда. Бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар 5 кунда якун ясалиб бориляпти. Пахта тайёрлашда олдинда бораётган бригадаларга колхоз правленияси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғи берилмоқда. Энг яхши теримчиларга, механик-ҳайдовчиларга, пахтани қоп-қанорсиз ташувчиларга мукофотлар бериб турилибди. Бу эса далада ишловчиларнинг ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Кўпминг килограммчилар сафи кун сайин кенгаймоқда. Ҳозирга қадар бу шонли ҳаракатга 200 дан ортиқ теримчи қўшилди.

С. УМАРОВ.



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Областда биринчи бўлиб пахта йиғим-теримига киришган «Совет-обод» совхозининг механизаторлари унумли меҳнат қилишяпти. Қабул қилиш пунктига кўплаб тонна «оқ олтин» жўнатиляпти. Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа пешқадамларидан Шердон Рўзиев кунлик нормасини сурункасига ошириб бажаряпти. У бу йил мавсумда 250 тонна пахта теришга аҳд қилган. Суратларда (юқорида): механик-ҳайдовчи Шердон Рўзиев ва (пастда) совхоз далаларида машина терими пайти.

А. Ходаков фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

15 ОКТЯБРГА

Бизнинг колхозимиз илғорилари Беруний районидаги қолоқ хўжаликлар қаторида эди. Гектаридан олинадиган ҳосил 20 центнердан ошмасди. Колхоз правленияси, партия ташкилоти бунинг сабабларини чуқур ўрганди.

1962 йилда бир неча тадбирларни амалга оширдик. Коллектор-зовурлар қазиш, ерларни планировка қилиш, шўр ювишга зўр бердик. Чигит барвақт экилди, ниҳоллар тўла бўлди. Ўша йили гектаридан 24,7 центнердан ҳосил олинди. 1964 йилга келиб ҳосилдорлик 28,8 центнерга, 1965 йилда эса 32,1 центнерга кўтарилди. Ўтган йили 35,3 центнердан ҳосил кўтариб, катта муваффақиятга эришдик.

Бу йил 900 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдик. Баҳорда об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан экишни барвақт тугалладик. Энди навбат, етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олишга келди. Карталардаги ҳосилни бирма-бир кўздан ўтказиб, резерв ва имкониятларимизни қараб чиқдик. Планда белгиланган 28,9 центнер ўрнига 37 центнердан пахта топширишга аҳд қилдик. Ҳақиқатан ҳосилимиз мўл. Кўпчилик бригадаларимиз сентябрь ойидаёқ план ва мажбуриятларини ошириб бажариш учун терим суръатини кун сайин кўтармоқдалар. Абдукарим Алимов, Отабой Раимов бошлиқ бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 3-3,5 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда. Машина терими бошлангач, кўпчилик бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 10-12 проценти миқдорида пахта тайёрланади.

Колхозимиз правленияси ва партия ташкилоти пахта теримини жуда қисқа муддатда тез ва сифатли ўтказиш учун конкрет тадбир ва режаларни ишлаб чиқди. Сентябрь ойида йиллик планни 60 процентга етказамиз, 15 октябрда планимизни бажарамиз. Бунинг учун теримчилар сонини 720 кишига етказамиз.

Пахтакорларимизнинг терим техникасига ишончи катта. 600 гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди. Яқинда иккита агрегат сотиб олдик. «Зангори кема»лар сони 13 тага етказилди. Ҳар бир агрегат билан 110 тоннадан пахтани териб оламиз. Агрегатларнинг икки сменада ишлаши учун механик-ҳайдовчи кадрлар етарли тайёрланди. Ражаб Иброҳимов, Олимбой Болтабоев, Саъдулла Абдуллаев Аҳмад Шомурдов, Эгам Янгибоев каби механик-ҳайдовчилар мавсумда бункердан 150-180 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилдилар.

Теримчилар ва механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўбдан яхшиланди. Далада иссиқ овқат ташкил қилинди, мавсумий болалар боғчаси ва яслиси ишлаб турибди. 14 бригадада 28 агитатор хизмат қилмоқда. Улар деворий газеталар, «Жанговар варақа»лар чиқаришяпти.

Колхозимиз аъзолари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига биринчилар қаторида қўшилганлар. Биз Ўзбекистон ССРнинг 4 миллион 100 минг тонналик улкан хирмонига 3330 тонна «оқ олтин»имиз билан ҳисса қўшамиз.

Т. МАТКАРИМОВ.
Беруний районидаги Навоий номли колхоз раиси.

ЮКСАК БАҲО

24 сентябрь куни пахтачилик учун машиналар ижод қилувчи давлат махсус конструкторлик бюросида митинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддинова тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта терими машинаси ҳамда эллик от кучига эга бўлган «Т-28Х4» трактори яратишда ва кўплаб ишлаб чиқаришда ўрнак кўрсатган бир группа ходимларга мукофотлар топширди.

Давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективи номидан сўзга чиққан партия комитетининг секретари, бўлим бошлиғининг ўринбосари И. М. Бекмуродов ва конструкторлик бюросининг бошлиғи Е. Б. Радкевич партия билан қўкумати ишонтириб, конструкторлар пахтачиликни механизациялаш ишига ўзлари кўшаётган ҳиссани тағин ҳам кўпайтирмоқ учун ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб айтдилар.

Е. С. Насриддинова мукофотлаш тақдирини самимий табриклаб, улар ва меҳнатда ва ижодда янгидан-янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ)

ФИНАЛЧИНИНГ АҲВОЛИ ЧАТОҚ

ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ишқивозларнинг умид ва орзулари, ишонч ва тилаклари Ереванга қараб учган эди. Кейинги пайтда яхши ўйнаётган «Пахтакор» «Арарат» билан беллашиб, ўз ишқивозларини мамнун этишдан умид бор эди.

Бу гал ҳам умид пучга чиқди.

«Арарат» бу гал енгил, ижодий, ҳар томонлама мукаммал ўйин кўрсатди. Бунинг сабаби бор эди. Ереванликлар «А» класснинг олий лигасида қолишлари маълум бўлганидан кейин жуда тез ва эркин ҳаракат қилдилар. Тўпни бир-бирларига аниқ ва зарб билан ошириб турдилар. Николай Любарцевнинг юрагига гулгула солиб, унинг дарвозасини узоқ ва яқин масофадан мўлжалга олиб турдилар.

Тўп бир марта зарб билан штангага тегиб, ордага қаратди. Ҳисоб очилмай қолди. Любарцев эркин нафас олди. Аммо ўйиннинг 43-минутида драматик ҳол юз берди. Меҳмонларнинг ўйинчиси Заназаняннинг тепган тўпини Любарцев ушлаб қола олмади. Ҳисоб очилди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида ҳам мезбонларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Улар тез-тез ҳужум қилиб қисобни оширишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Ўйин охиригача ҳисоб (1:0) ўзгармади.

Бу ўйинда Эркин Абдуракимовнинг ўйнаши сезилди. Ўйинг устига Г. Краснитскийнинг шикастланган аҳволда мандонга чиқиши ўйинга ўз таъсирини кўрсатди. Шунга қарамай, қимоячиларнинг юрагини олиб қўйган Краснитский яхши ҳаракат қилишга, шеригларига тўпни ўз вақтида оширишга ҳаракат қилиб кўрди. Шуни айтиш керакки, бошқа ўйинчилар «Арарат»нинг ҳужумидан ҳайиқдиларми, ёки бу ҳужум уларни шошириб қўйдими, ҳар ҳолда бир-бирларини яхши тушуниб ўйнамадилар.

Финалчининг аҳволи чатоқлигича қолмоқда.

* * *

Қолган ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Москва) — «Крылья Советов» — 5:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Қайрат» — 3:0, АСК (Ростов) — «Заря» 1:1, «Торпедо» (Кутаиси) — «Шахтёр» — 2:1, «Динамо» (Киев) — «Зенит» — 5:2.

В. МАҲКАМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

«Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари Евгений Иванович Озерский республика сув хўжалиги органларида узоқ вақт ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

4.100.000 тонна учун

24 сентябрь

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда; учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Қашқадарё	2,27	27,96	2,98	20,98
Фарғона	2,14	25,79	2,31	13,45
Бухоро	2,09	24,15	2,04	13,86
Сурхондарё	2,35	23,70	2,83	16,11
Наманган	2,00	22,15	1,79	11,76
Андижон	2,05	20,04	2,01	9,24
Қорақалпоғистон АССР	2,06	14,16	1,75	5,00
Хоразм	1,63	12,25	0,39	0,81
Тошкент	1,87	8,56	2,09	7,59
Самарқанд	0,83	4,56	0,17	0,63
Сирдарё	0,74	3,56	0,85	3,29
Республика бўйича:	1,77	16,54	1,59	7,92
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,62	22,84	—	—
Қашқадарё	0,87	13,04	—	—
Бухоро	0,47	2,36	—	—
Республика бўйича:	1,23	16,57	—	—

Республика областларида ғўзаларни дефолиация қилишнинг борыши тўғрисида 1968 йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида), учинчи стун — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида

Қашқадарё	69148	106,4
Сурхондарё	126687	105,6
Тошкент	197953	99,0
Сирдарё	315651	95,7
Қорақалпоғистон АССР	124474	88,9
Хоразм	77940	77,9
Андижон	120112	75,1
Бухоро	111707	69,8
Наманган	69449	69,4
Самарқанд	104083	65,1
Фарғона	86822	52,6
Республика бўйича:	1404026	82,6

ТОШКЕНТ РУҲИ ЖАҲОН УЗРА

(Боши тўртинчи бетда).

Сўнгра Л. Эйдлин анъана ва новаторлик масалаларига тўхталиб ўтади. Анъана бўлмаса жамиятни олга силжитувчи новаторлик ҳам бўлмайди. Анъанани инкор қилишни ҳеч қандай сиртқи прогрессив шиорлар билан оклаш мумкин эмас. Эртами, кечми, халққа унинг мероси яна қайтариб берилади.

Машҳур ҳинд ёзувчиси **Мулк Раж АНАНД** биринчи Тошкент учрашувидан кейин ўтган ўн йил ҳақида гапириб, шу вақт ичида Осиё ва Африка харитасида кўпгина янги мамлакатлар пайдо бўлганлигини таъкидлаб ўтди. Бу мамлакатларнинг руҳан уйғониш даври бошланди ва бу нарса барча халқларнинг чинакам уйғунлашувига олиб борыши лозим. Лекин биз ким билан, қаёққа кетаётганлигимизни, қайси лагерга — империализм лагерига мансубмизми ёки социализм лагерига мансубмизми, бунга ҳамиша равшан англаб олмоғимиз керак. Шу сабабли ҳар биримиз қандай фикрларни бошқалар билан баҳам кўраётганлигимизни ойдинлаштириб олмоқ учун ўзимизнинг дилимиздаги бор гапнинг сарасини-саракка, пучагини-пучакка ажратиб олмоғимиз керак. Биз ҳар биримиз аввало мададимизга ва кўмагимизга муҳтож бўлганларга — устя юпун, корни очларга мансуб бўлмоғимиз лозим.

Совет Иттифоқида нашр этилаётган «Народы Азии и Африки» журналининг бош редактори профессор **И. С. БРАГИНСКИЙ** журнал редколлегияси, ходимлари ва муаллифлари номидан учрашув қатнашчиларига салом топширади.

Нотиқ ўзининг фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён қилади: Шарқ халқларининг классик шеъриятида икки йўналиш равшан намоён бўлади: Бўлардан бирига турмушни сиртдан тасвирлаш мотивлари хос бўлса, иккинчиси эса ҳаракатчанлик шеъриятидир. Жумладан Алишер Навоий воқеликка актив муносабатда бўлиш мотивларини зўр илҳом билан ривожлантирди. Унинг асарларида ҳаракатчан, ўзгартирувчи шахс ҳамиша марказий ўринда туради.

Бизнинг асримизга келиб, актив инсонпарварлик ғояси янги инсон образининг конкрет шаклига эга бўлган ҳозирги пайтда биз ана шу порлоқ анъанага, инсон манфаати йўлида актив ҳаракат қилиш шеъриятига асос солган улуғ классикларимизни яна бир бор миннатдорчилик билан эсга оламиз.

«Иностранная литература» журналининг бош редактори **Б. С. РЮРИКОВ** ўз нутқида бундай деб таъкидлайди: улуғ озодлик революцион ғоялар, мустамлакачиликка, миллатларни асоратга солувчи империализмга қарши кураш ғоялари Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларига илҳом бермоқда. Шу сабабли симпозиумда қаҳрамон Вьетнам халқи ҳақида. Америка босқинчиларига қарши курашаётган жанчилар билан бир жанговар сафда турган вьетнамлик ёзувчи дўстларимиз тўғрисида шу қадар зўр ҳурмат, шу қадар зўр меҳр-муҳаббат билан гапирилди. Шу сабабли Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб давлатларининг халқлари ҳақида. Америка империализмининг агентураси бўлган ирооллик агрессорларга қарши курашнинг олдинги позицияларида турган яна шу мамлакатларининг ёзувчилари тўғрисида зўр ҳурмат билан гапирилди. Шу сабабли ёзувчилар Анголa, Жанубий Африка Иттифоқи, Родезиянинг қаҳрамон халқлари тўғрисида ҳамда мустамлакачилик ва иркчилик ҳали ҳам ҳукмронлик қилиб келаётган бошқа мамлакатлардаги халқлар тўғрисида ўзларининг жонажон дўстлари ва кардошлари сифатида гапирдилар. Бу эса ёзувчилар халқларнинг энг олижаноб муддаоларига содиқ эканликларини, уларнинг ижодида жўшқин революцион озодлик руҳи яшаб келаётганлигини кўрсатади.

Илғор ғоявий позицияларни ва унинг социалистик маданият билан гуманистик демократия маданияти билан алоқасини, социал ва миллий адолатни, инсонни ҳар томонлама камол топтиришни олий мақсад деб билиб, шу мақсадга эришишга чорловчи шиорларни ҳимоя қилиш — улуғ шарафдир. Лекин биз ёзувчилар тўғри аҳволни шунчаки тасвирлаб қолиш билангина, шу мавзудаги асарни танқид қилиш билангина чегараланиб қолмай, балки турмушни тадқиқ қилишимиз, ундаги янги ҳодисаларни кўра билишимиз, юксак бадиий образлар яратишимиз, чинакам бадиий дурдоналар ижод қилишимиз керак. Ёзувчи турмушнинг янги-янги жиҳатларини очиб беради, у инсон характерларининг ўсиш ва ривожланиш сирларига йўл топади, турмуш эса мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, тўхтовсиз олга бораверади. Шу сабабли симпозиум, катнашчиларининг реализм ҳақида, социалистик реализм ҳақида, романтизм тўғрисида, новаторлик ва анъаналар ҳақида, фольклорнинг аҳамияти тўғрисида ва ёзувчилар ижодининг халқ ижоди билан алоқаси ҳақида гапиришлари ҳаммамиз учун жуда муҳимдир.

Осиё ва Африка мамлакатларида тўрт авлодларга мансуб истеъдодли сўз усталари — романчилар, шоирлар, драматурглар ижод қилишмоқда. Уларнинг энг яхшилари ўз истеъдоди ва маҳоратининг савияси жиҳатидан ҳозирги замон адабиётидаги энг йирик сўз усталари даражасида турибди. Бу эса бизни бадиий тараққиёт масалаларини янада қунт билан чуқур ўрганиш ва муҳокама қилишга мажбур этади.

Мучозара тамом бўлди. Раислик қилувчи — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси **С. О. АЗИМОВ** бундай дейди: Биз янги фикрлар билан бойиб, Ер юзидаги ҳамма қитъаларнинг улуғ ишлари тўғрисидаги фикр-ўйларимиз тағин ҳам тўлишиб, ишимизга якун ясамоқдамиз.

Бизнинг симпозиумимиз, деди сўзини давом эттириб С. О. Азимов, катта аҳил оркестрга ўхшаб кетди, бизнинг қалбларимиз — беш қитъа ёзувчиларининг қалблари бу оркестрнинг дирижёри бўлди. Адиблар катта умумбашарий, шунингдек ёзувчиларнинг ўзига хос проблемаларни биргаликда муҳокама қилдилар, бу эса ҳаммамизни ғоят қувонтирди.

Ёзувчи илҳомининг маҳсули бўлган китобда беш қитъани ифодаловчи — инсониятнинг беш қўли бир-бирини маҳкам қисиб турганлиги Тошкент учрашувининг эмблемаси бўлиб қолди. Келинглар, бундан буён ҳам ана шу символга содиқ бўлиб қолайлик! Мамлакатларимизнинг халқлари ишига хизмат қилайлик, уларнинг улуғ ғояллари ишига хизмат қилайлик!

Ўзбекистон диёрининг ўзига хос бир хислати бор. У шу ерга келган инсонни узоқдами ёки яқиндами, қаерда бўлмасин яна бир бор келишга чорлайверади. Ўйлайманки, сизлар билан биз Тошкент диёрида, бошқа қитъалар диёрида, Африка ва Осиё, Европа ва Америка ёзувчилари билан, Ер юзидаги беш қитъа ёзувчилари билан ҳали кўп марта маҳоқли учрашувлар қиламиз.

Ёзувчилар ўриндиларидан туриб, барча тараққийпарвар адибларнинг улуғ бирлигини олқишлайдилар. Халқаро симпозиум ёпик деб эълон қилинади.

Ёзувчиларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган бирдамлиги тарихига яна бир ёркин саҳифа ёзилди.

И. КОЗЛОВСКИЙ,
Г. ЛИПШИЦ,
Е. МАЙОРОВ,
ТАСС-ЎзТАГ мухбирлари.

ТОШКЕНТДА ҚУРИЛИШ СУРЪАТЛАРИ БИЗНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРДИ

Япония маҳаллий қонун чиқарувчи мажлис аъзоларининг делегацияси бир неча кун Ўзбекистонда бўлди. Улар республикамизга келиб, аввало унинг пойтахти билан танишдилар. Меҳмонлар йирик архитекторлар ҳамроҳлигида кўпгина янги қурилишларни янги уй-жой массивларини Россия Федерацияси, Москва, Ленинград ва Украина бинокорлари янги кварталлар барпо этаётган шаҳар марказини бориб кўрдилар. Улар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги журналининг бош редактори Б. С. Рюриков ўз нутқида бундай деб таъкидлайди: Ўзбекистонда революция ва ислоҳотлар ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини ўзгартирди. Ер юзидаги ҳамма ёзувчилар ва ишқивозлар Ереванга қараб учган эди. Ереванликлар «А» класснинг олий лигасида қолишлари маълум бўлганидан кейин жуда тез ва эркин ҳаракат қилдилар. Тўпни бир-бирларига аниқ ва зарб билан ошириб турдилар. Николай Любарцевнинг юрагига гулгула солиб, унинг дарвозасини узоқ ва яқин масофадан мўлжалга олиб турдилар.

Тўп бир марта зарб билан штангага тегиб, ордага қаратди. Ҳисоб очилмай қолди. Любарцев эркин нафас олди. Аммо ўйиннинг 43-минутида драматик ҳол юз берди. Меҳмонларнинг ўйинчиси Заназаняннинг тепган тўпини Любарцев ушлаб қола олмади. Ҳисоб очилди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида ҳам мезбонларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Улар тез-тез ҳужум қилиб қисобни оширишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Ўйин охиригача ҳисоб (1:0) ўзгармади.

Бу ўйинда Эркин Абдуракимовнинг ўйнаши сезилди. Ўйинг устига Г. Краснитскийнинг шикастланган аҳволда мандонга чиқиши ўйинга ўз таъсирини кўрсатди. Шунга қарамай, қимоячиларнинг юрагини олиб қўйган Краснитский яхши ҳаракат қилишга, шеригларига тўпни ўз вақтида оширишга ҳаракат қилиб кўрди. Шуни айтиш керакки, бошқа ўйинчилар «Арарат»нинг ҳужумидан ҳайиқдиларми, ёки бу ҳужум уларни шошириб қўйдими, ҳар ҳолда бир-бирларини яхши тушуниб ўйнамадилар.

Финалчининг аҳволи чатоқлигича қолмоқда.

* * *

Қолган ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Москва) — «Крылья Советов» — 5:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Қайрат» — 3:0, АСК (Ростов) — «Заря» 1:1, «Торпедо» (Кутаиси) — «Шахтёр» — 2:1, «Динамо» (Киев) — «Зенит» — 5:2.

В. МАҲКАМОВ.

Планетамизда

ВАТАНПАРВАРЛАР КУРАШИ

ХАНОЙ, 22 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучларининг Куангнам вилояти Дьенван районида ҳаракат қилаётган қисмлари 13 сентябрдан 17 сентябрга қадар давом этган муваффақиятли жанглар натижасида Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари америка ҳарбий хизматчиларидан 740 кишини ўлдирганлар ёки жароҳатлантиргандар.

ВИА агентлигининг Озодлик агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарида айтилишича, ўша вилоятнинг ўзидаги Дайлог районида 29 августда 13 сентябргача олиб борилган жанглар натижасида Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари америка ҳарбий хизматчиларидан 740 кишини ўлдирганлар ёки жароҳатлантиргандар.

17 сентябрда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари бутун вилоят бўйлаб бир неча марта муваффақиятли жанглар қилиб, душманнинг солдат ва офицерларидан 150 кишини сафдан чиқардилар, душманнинг иккита вертолётини ва 12 та ҳарбий машинасини ишдан чиқардилар.

ТОШКЕНТДАГИ ТАНТАНАЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН

КОБУЛ, 23 сентябрь. (ТАСС). Шарқнинг буюк шоири Алишер Навоий туғилган кунинг 525 йиллиги тантаналарини ўтказувчи Ўзбекистон ССР республика комитетининг таклифига биноан бугун Афғонистон олимлари делегацияси Тошкентга учиб кетди. Делегация аъзоларидан бири Фикрий Салжуқий Навоий ижодининг Афғонистондаги тадқиқотчилари Тошкентда турли мамлакатлардан келадиган ҳамкасблари билан бўлажак учрашувлар ва суҳбатларга катта эътибор бермоқдалар, деди.

Бу учрашувлар, деб қайд қилди Салжуқий фикрини янада бойитади.

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН, 23 сентябрь. (ТАСС). АҚШ вакиллари «Корея масаласи»ни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXIII сессияси кун тартибига киритишга уринаётганликлари муносабати билан Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати баёнот эълон қилди.

Корея марказий телеграф агентлиги тарқатган шу баёнотда айтиладики, Америка вакиллари Жанубий Кореяни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида оккупация қилиб туришни оқлаш мақсадида «Корея масаласи»ни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига қўйишга 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери уриниб келмоқдалар.

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати дейилади баёнотда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кореяни бирлаштирувчи ва қайта тикловчи комиссиясининг йиллик ҳисобот докладидан фойдаланиб, «Корея масаласи»ни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилишни аввал бошданоқ ғайри қонуний деб ҳисоблаб бунга қатъиян қарши чиқиб келди ва қарши чиқмоқда.

Корея Халқ Демократик Республикаси, дейилади баёнотда, социалистик мамлакатларнинг ҳамда Осиё ва Африкадаги мустақил давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXIII сессиясининг кун тартибига Жанубий Кореяни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида оккупация қилиб турган Америка қўшинларини ва бошқа барча чет эл қўшинларини чиқартириб юбориш масаласини ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кореяни бирлаштирувчи ва қайта тикловчи комиссиясини тарқатиб юбориш масаласини киритиш тўғрисидаги таклифларини тўла равишда ва тамомила қувватлайди.

Баёнотда яна айтиладики, агар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Корея халқининг истагини билмоқчи бўлса, у Корея Халқ Демократик Республикасининг вакилини таклиф қилиши лозим. Акс ҳолда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотида «Корея масаласи» юзасидан Корея Халқ Демократик Республикаси вакилининг иштирокисиз қабул қилинган ҳар қандай резолюцияни кучга эга деб тан олмайди.

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ватанни бирлаштириш масаласи Корея халқининг ички иши бўлгани учун бу масала четдан ҳеч кимни аралаштирмай, мустақил равишда демократик несизда тинч йўл билан ҳал қилиниши лозим деб ҳисоблаб,—дейилади баёнотнинг охирида — бутун дунёдаги тинчликсевар ҳукуматлар ва халқлар Корея халқининг одилона ишини, яъни мамлакатни мустақил бирлаштиришни эктив равишда қўллаб-қувватлайдилар, деб умид билдиради.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА ЁРДАМ

ЛОНДОН, 23 сентябрь. (ТАСС). Бутун яншанба куни Льюишем шаҳрининг аҳолиси шаҳар идораси биносига тинмай келиб турди. Улар бу ерда очилган махсус донорлик пунктига келиб Вьетнам Демократик Республикаси халқига ёрдам фондига қон бердилар, деб ёзади бугун «Гардиан» газетаси.

«Вьетнамга медицина ёрдами кўрсатиш комитети» Льюишемда ташкил этган донорлик пунктига кечаги куннинг ўзидагина 80 литрдан кўпроқ қон топширилди.

СОВЕТ ПЬЕСАСИ ИСЛАНДИЯ САҲНАСИДА

РЕЙКЬЯВИК, 22 сентябрь. (ТАСС). Исландия миллий театри янги театр мавсумини Совет драматурги А. Арбузовнинг «Бечора Маратим» деган пьесаси билан очди. Бу спектакли Совет давлат театр санъати институтини тамомлаб чиққан Э. Эрлендссон саҳналаштирган. Спектаклнинг премьерасида Исландия Республикасининг президенти К. Эльдъяури ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Пьеса томошабинларни жуда қизиқтирди, спектакль бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Вьетнам демократик республикаси тепасида уриб туширилди

ХАНОЙ, 23 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам Халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари 22 сентябрда Хабак вилояти тепасида Американинг разведкачи самолётини уриб туширдилар.

ВИА агентлигининг хабарида айтилишича, Вьетнам Демократик Республикаси осмонида уриб туширилган АҚШ самолётлари шу билан 3.174 тага етди.

КОММУНИСТИК МАТБУОТ ФОНДИГА

РИМ, 23 сентябрь. (ТАСС). «Унита» газетаси хабар беради: Италия меҳнаткашлари коммунистик матбуот фондига 1 миллиард 300 миллион лирадан кўпроқ пул тўпладилар. Италияда коммунистик матбуотга ёрдам кампанияси ҳар йили ўтказилади ва бу кампания меҳнаткашлар оммаси орасида коммунистик матбуот гоят мазмун эканлигини кўрсатади.

ГАНАДА СУВ ТОШҚИНИ

АККРА (ТАСС). Сел ёмғирлари оқибатида вужудга келган сув тошқинидан Аккра билан Гананинг бошқа бир қанча районлари ўртасидаги почта алоқаси узилиб қолди, қўпгина йўллар эса ўтиб бўлмайдиган ҳолга келди.

Гананинг ғарбида баъзи дарёлар тошиб, атроф жойларни сув босди. Мамлакатнинг шимолига олиб борувчи йўлларни сув босган. Секонди ва Такоради районларида озиқ-овқат камчил, уни ташиб келтириш жуда қийинлашган.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Золотие Пескидаги туристлар шаҳарчаси. Бу йил серқуёш Болгариянинг денгиз бўйи ва тоғли районларига 2 миллиондан кўпроқ чет эллик туристлар келади.

БТА—ТАСС фотоси.



ВЕНГРИЯ — боғлар, токзорлар, сабзавот ва полиз экинлари ватани. Бу экинлар майдонининг кўпайтирилаётгани ва ҳосилдорлиги оширилаётганлиги туфайли мамлакат ҳўл мева ва сабзавот экспорт қилиш сохасида катта ютуқларга эришмоқда. Дунёнинг 20 мамлакати Венгрия сабзавотини, мева ҳамда мева консерваларини сотиб олаётир. Совет Иттифоқи Венгрия меваларининг энг йирик харидоридир. Суратда: Будапешт ёнидаги «Мовий Дунай» қишлоқ хўжалик кооператиннинг токзорларида ажойиб узум битган.

МТИ—ТАСС фотоси.

ИССИҚКЎЛНИНГ СУВИ КАМАЯДИМИ?

Қирғизистон гидрометеорологлари кейинги йилларда Марказий Тиёншонда жойлашган, қишда ҳам музламайдиган ноёб кўл — Иссиқкўлнинг суви аста-секин камаяётганлигини аниқладилар. Бу доимий ҳодисами ёки вақтинча рўй беряптими? Буни билиш кўлда курорт зонаси вужудга келтирилгани ва саноат беликчилиги ривожлантирилаётганлиги сабабли ҳам жуда муҳимдир.

Иссиқкўлнинг чуқурлиги қандай? Унда қанча сув бор? Бунга яқинда Қирғизистон гидрометеорология хизмати бошқармаси томонидан теплоходда юборилган экспедиция жавоб бериши керак. Гидрологлар ихтиёрига радиолокация установкаси топширилган. У эхолог ёрдамида ўлчанган ҳар бир чуқурликнинг координаталарини аниқ белгилашга ёрдам беради.

— Иссиқкўл қанча сув сиғдиришини аниқлаш лозим, — дейди гидрометеорология хизматининг бошлиғи Николай Гроицкий.— Эски маълумотларга қараганда, кўлда 1732 кубкилометр, яъни Орол денгизидагига қараганда 1,7 баравар кўп сув бўлиши керак. Биз бундан бир неча йиллар илгари унчалик мукаммал бўлмаган усул билан ўлчанган максимал чуқурлик даражаси қанчалик тўғри эканлигини текширишимиз шарт. Асосий вазифа кўлнинг туби қандайлигини аниқлаш, сув ости рельефининг картасини тузишдан иборатдир. Бу жуда катта илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.

Озод УСМОНОВ, (АПН).

КОРОЛ ҲУСАЙННИНГ ВИЗИТИ

БАЙРУТ, 22 сентябрь. (ТАСС). Жадда радиоси хабар беради: Бугун Иордания короли Ҳусайн расмий визит билан Саудия Арабистонига келди. Аэропортда король Ҳусайнни Саудия Арабистонининг короли Файсал ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Иордания давлатининг бошлиғи бир оз дам олганидан кейин король Файсал билан Яқин Шарқдаги тангликка таллуқли проблемалар устида суҳбатлашди.

Ирвогарлик давом этмоқда

АММОН, 23 сентябрь. (ТАСС). Кеча Исроил ҳарбийлари яна бир ирвогарлик ҳуружи қилдилар. Исроилнинг моторлашган патрули Иордан дарёси водийсида Иордания билан жанг тўхтатилган чегарани Тивериад кўлининг уч километр жанубида кесиб ўтишга уринди. Иордания қўшинларининг бўлинмалари шиддатли ўт очиб босқинчиларнинг бу уринишини дафқилдилар. Иордания ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтишига қараганда, отишма натижасида Исроил солдатларидан беш киши жароҳатлантирилган. Иордания ҳарбий қисмлари талафот бергани йўқ.

ҲОДИСА

ҚОПЛОН БИЛАН ОЛИШУВ

АШХОБОД, («Правда» мухбири Р. Эсенов). Ўтган қишдан бери Копетдоғ тоғи этакларигача чўзилиб кетган чегара хўжаликларининг яйловларида қоплонлар пайдо бўла бошлаган эди. Иртқичлар шунчалик ашаддийлашиб кетдики, ҳатто милтиқ овозидан ҳам қўрқмайдиган бўлиб қолдилар, йўлдан ўтган чорвани саросимага сола бошладилар. Подачилар уларга ҳужум қилишга уринадиган бўлсалар қоплонлар қочиб қолишади. Шунда чорвадорлар қўшни заставанинг чегарачиларига ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

...Старшина Степан Ефремов ва оддий солдат Валентин Маликов отда ёввойи қайроғоч ва арча чакалаклари оралаб ўтиб келишарди. Кутилмаганда чакалакзор орасидан гала-говур эшитилди. Рўпарадан сигирлар подаси чиқиб қолди. Пода орқасида қоплон кўринди. Старшина Ефремов қўлидаги милтиқни мўлжалга тўғрилади ўқ узди. Яраланган қоплон талваса ичида чегарачиларга ташланди. Отлар ҳўркиб қочабошлади. Лекин чегарачилар билан йиртқич ўртасида атиги 5 метрча масофа қолганида солдат В. Маликов йиртқичга қараб ўқ узди ва уни бутунлай йиқитди. Бу ўтанетган йиртқич қоплоннинг узунлиги икки метрга яқин эди. Ҳатто теварак-атрофдаги маҳаллий аҳоли ҳам бу жойларда бунақа баҳайбат йиртқични кўндан бери кўрмаганликларини айтишади.

Бундан бир ҳафта олдин чегарачи жамоат чорвасига ҳамла қилиб юрган яна бир қоплонни пойлаб отган эди. Совхоз дирекцияси старшина С. Ф. Ефремовга бу жасорати учун ташаккур эълон қилди ва пул мукофоти берди.

(«Правда»дан).

Иқтисодий ислоҳотлар ва ишлаб чиқариш самаралари

Венгрия — боғлар, токзорлар, сабзавот ва полиз экинлари ватани

Венгрия — боғлар, токзорлар, сабзавот ва полиз экинлари ватани. Бу экинлар майдонининг кўпайтирилаётгани ва ҳосилдорлиги оширилаётганлиги туфайли мамлакат ҳўл мева ва сабзавот экспорт қилиш сохасида катта ютуқларга эришмоқда. Дунёнинг 20 мамлакати Венгрия сабзавотини, мева ҳамда мева консерваларини сотиб олаётир. Совет Иттифоқи Венгрия меваларининг энг йирик харидоридир. Суратда: Будапешт ёнидаги «Мовий Дунай» қишлоқ хўжалик кооператиннинг токзорларида ажойиб узум битган.

МТИ—ТАСС фотоси.

Мозамбик халқи билан бирдамлик куни

ОЗОДЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

Бугун Африка қитъасида қирқ биринчи мамлакат мустақил ҳаёт кечирмоқда. Бир вақтлар қора қитъа деб атаб келинган Африка мустамлакачилар сиртмоғидан қутилмоқда, гоҳ у, гоҳ бу ерда озодлик ва мустақиллик учун кураш алангаси ёнмоқда.

Бу ҳол империалистларни тобора талвасага солмоқда. Мустамлакачилар асрлар бўйи арзон бойлик манбаи бўлиб келган қитъанинг табиий ресурсларини қўлдан чиқармаслик учун жон-жаҳди билан уринмоқдалар. Лекин қитъанинг каттагина қисмида социал тараққиёт учун олиб борилаётган тинч кураш ҳукмронлик ҳалқлар мустамлакачиликка қарши аёвсиз жанг олиб бормоқдалар.

Мана, тўрт йилдирки, етти миллион киши истиқомат қиладиган Мозамбикда озодлик учун кураш давом этмоқда. Мозамбик халқининг қуролли кураши 1964 йилнинг 24 сентябрь куни ярим тунда бошланди. Ўша куни Мозамбикни озод қилиш фронти жангчиларининг кичиккина отряди португалиялик мустамлакачиларнинг Муеда (Кабу-Делгаду вилояти)даги таянч пунктини яксон қилган эди.

Салазар режими Африкадаги бой мустамлакани қўлдан чиқаслик учун бутун имкониятларини ишга солмоқда. Лиссабондан Мозамбикнинг Бейрадаги портига тўхтовсиз равишда қурол-яроқ юкланган транспорт кемалари қатнаб турибди. Ҳозирги кунда Португалиянинг Мозамбикдаги қўшинлари сони 45 минг кишига етган. Португалия бюджетининг деярли ярми Африкада мустамлакачилик урруши олиб боришга сарфланаётир.

Бироқ мустамлакачилар ғалабага эриша олмаётирлар. Ахир қад кўтарган қитъанинг иродасини букиб бўладими?! Мозамбикни озод қилиш фронти жангчилари мустамлакачи қўшинларга қарши мамлакатнинг деярли барча қисмида қақшаткич зарба бермоқдалар. Бугунгача Мозамбикни озод қилиш фронти мамлакатнинг бешдан бир қисмидан кўпроғини португалиялик мустамлакачилардан тозалади. Фақат темир-бетон билан тўсилган, артиллерия ва пулемётлар билан тиш-тирноғигача қуролланган истеҳкомлардагина мустамлакачилар ўзларини бир оз бехатар сезмаса, бошқа жойларда уларнинг ҳолига вой.

Озодлик учун кураш байроғи остида 1962 йилнинг июнь ойида бир неча ватанпарварлик ташкилотлари бирлашуви натижасида вужудга келган Мозамбикни озод қилиш фронти (ФРЕЛИМО) бугунги кунда мамлакат аҳолисини мустақиллик учун курашнинг янги босқичи сари бошлаб бормоқда. ФРЕЛИМО шу кеча-кундузда португалияликларга қарши ҳарбий ҳаракатларни янада кенгайтириш режаларини ишлаб чиқмоқда.

Мозамбикни озод қилиш фронтининг Ньяса вилоятида ўтказилган иккинчи съезди африкалик курашчиларнинг кучига куч қўшиб юборди. Бу съездда мамлакатнинг барча районларидан, аҳолининг барча табақалари — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилардан вакиллар, шунингдек қабилаларнинг доҳийлари — жами 500 делегат иштирок этди. Шуни ҳам айтиш керакки, съезд ўтаётган жойни излаш учун юборилган Салазар охранкаси — ПИДЕнинг исковичлари ҳам ватанпарварларнинг анжумани қандай қарорлар қабул қилганини била олмай қолдилар.

Ўз ватанининг мустақиллиги учун курашаётган мозамбикликлар Африкадаги бошқа эрксевар халқлар билан бирдамликни тобора кучайтирмоқдалар. Улар Португалиянинг бошқа мустамлакалари — Ангола ва Гвинейда, Родезияда Смит режимига қарши курашаётган Зимбабведа ташкил этилган ватанпарварлик ташкилотлари билан елкама-елка туриб ҳаракат қилмоқдалар. Бу соҳада Африка бирлиги ташкилоти қошида тузилган Озодлик комитети ҳам катта роль ўйнамоқда. Бу комитет Африканинг жанубида озодлик учун курашаётган африкалик халқларга моддий ёрдам беришга даъват этилган бўлиб, ҳозир Салазар-Форстер-Смит «иттифоқи»га жавобан Ангола, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси ва Родезия ватанпарварларининг ҳарбий ҳаракатларини уйғунлаштириш тадбирларини амалга оширмоқда.

Африка бирлиги ташкилотининг яқиндан ёрдами туфайли Португалия мустамлакаларида ватанпарварлик ҳаракатлари катта ғалабаларга эришмоқда. Мустамлакалардаги алоҳида чиқишлар эндиликда чинакам миллий-озодлик курашига айланмоқда. Африка бирлиги ташкилоти АҚШ, ГФР, Англия, Португалия ва бошқа мустамлакачи мамлакатларнинг қитъа жанубида ўзларига мустаҳкам иқтисодий ва ҳарбий база яратиш учун уринишларини фош қилиб ташламоқда. Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари ассамблеясининг шу йил 13 сентябрдан 16 сентябргача Жазоирда ўтказилган бешинчи сессияси бунинг ёрқин далилидир. Африка давлатларининг раҳбарлари миллий-озодлик ҳаракатига ёрдам кўрсатиш чораларини маъқулладилар, айни вақтда мустамлакачиларга ва ирқчиларга мадад бериб турган ғарб мамлакатларини кескин қораладилар.

Совет кишилари доимо ўз мустақиллиги учун курашаётган халқлар томонидадирлар. Биз ўз озодлиги учун курашнинг олдинги сафларида бораётган Мозамбик ватанпарварлари билан халқаро бирдамлик қунида уларга янги-янги ғалабалар тилаймиз.

Б. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг халқаро шарҳловчиси.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қушиқлар, 9.30 — Танбур куйлари, 9.50 — «Улуғ шоир ва мутафаккир юбилейи» (тожикча), 10.10—Халқ чолғу куйлари, 11.15—«Элга хизмат—олий ҳиммат», 11.25—«Куйлардан куйларга», 12.00 — А. Навоий номидаги адабиёт музейининг очилишига бағишланган эшитириш, 13.30 — Лирик концерт. (русча), 16.10 — «Навоий ва музика» 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — Ахмад Бобоқулов куйлайди, 18.00 — «Ленин исми билан» (русча), 18.10 — М. Мусоргский. «Борис Годунов» (операдан парча), 18.40—Спорт (русча), 19.00 — А. Навоий туғилган кунинг 525 йиллигига бағишланган тантанали кеча (А. Навоий номли театрдан олиб эшитирилади). 22.20 — Куйлар, 22.40 — Поэзия кечаси, 23.15—ўзбек халқ қўшиқлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 — Кўрсатишлар программаси, 19.00—А. Навоий номидаги Давлат Академик катта опера ва балет театридан буюк ўзбек шоири ва мутафаккири А. Навоий туғилган кунинг 525 йиллигига бағишланган тантанали мажлис олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телеянгиликлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 — Кўрсатишлар программаси, 19.00 — Кинофильм (болалар учун), 19.20 — Узбек хор капелласи.

20.00 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00—Биз қувноқ болалар (кинофильм), 20.25—Дачада (телефильм) 20.50 — Инсон ва қонун, 21.20 — Энг узун тун (бадиий фильм).

Узбек тилида: 22.50 — Бизнинг Литва (телефильм), 23.20 — Концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—26/IX да Аида.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да Алишер Навоий.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IX да Фаҳҳод ва Ширин, 26/IX да Навоий Астрободда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тереза Дурова раҳбарлигида ўргатилган, ҳайвонлар группаси атрацционы. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қилич ва қалқон — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 ва 9 да).

Бодом ҳиди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

Ҳаёлий бахт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9.45 минутда)

Душанбагача омон бўлсак... — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 да)

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 10 да бошланади)

Қилич ва қалқон — «ФЕСТИВАЛЬ» НАВОИЙ номли.

Бодом ҳиди — «ХИВА».

Душанбагача омон бўлсак... — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ГЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ институтга кирувчиларни тайёрлайдиган 8 ойлик курсга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Тўлиқ ўрта маълумотли ва халқ хўжалигининг турли хил тармоқларида ишлаб турган кишилар қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ҳафтада уч марта ўтказилади.

Кирувчилар ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка топширишлари ва шахсан паспортларини кўрсатишлари керак.

Ўқитиш ҳақи—30 сўм.

Аризалар 1 октябрга қадар қабул қилинади.

Машғулотлар—15 ноябрдан.

Адрес: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй, ўқув корпуси, 223 «б» хона. Кундуз соат 4 ярмидан кеч 7 гача учрашилсин.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Узбекистоннинг ҳамма районларида ҳавонинг очиқ келиши кутилади. Шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 31-35 даража бўлади.

Тошкентда ҳаво бир оз булутли келади. Ёмғир ёғмайди. Шимолий Шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб, 30-32 даража иссиқ бўлади.

Узбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, партия ва маҳаллий комитети фалсафа, иқтисод ва юридик фанлар бўлимининг илмий секретари

Аноар МАНСУРОВнинг

фожиали халок бўлганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм—ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва Олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт—В32317. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. Область мухбирлари. Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б. № — 225. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 0878.